КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

## «БЭТТИ»НИНГ СЕЗГИРЛИГИ АСҚАТДИ



... Забонсиз жонивор бир нимани сезгандек, масъулияти чекланган жамият худудидан чиқиб, ён томондаги қурилиши тугалланмаган бино томон елдек учиб кетди...

5

ОСТАВАЙТЕСЬ ДОМА!

## ПРАЗДНИК МИЛОСЕРДИЯ И ДОБРОТЫ



7

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

## «Хавфсиз пойтахт» концепцияси: ТАЖРИБА ВА НАТИЖА



12

ЖАСУР ВА ВАТАНПАРВАР ИНСОНЛАР



17

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
21-may
payshanba

№ 16 (4454)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## СИРДАРЁЛИКЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ



**Бугунга келиб сув босган ҳудудлардаги яроқсиз бинолар қолдиқларини тозалаш, зарар кўрган иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, янги бинолар, инфратузилма объектлари қуриш, электр, газ ва ичимлик суви таъминотини тиклашга киришилган.**

13



РЕПОРТАЖ



## ҚОИДАБУЗАРЛАР ҲАМОН УЧРАБ ТУРИБДИ



**... Катта сержант Даврон Якубов шу ердан ўтаётган бир нечта фуқарога илтимос қилиб, ўзи бошчилигида ушбу автомобилни ариқчадан чиқариб қўйди...**

8

МУНОСАБАТ

## «МИЛЛАТНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ КЎРСАТАДУРҒОН ОЙИНАИ ҲАЁТИ»

**... Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Уни сақлаб қолиш ўша халқнинг маданияти, урф-одати, анъана ва қадриятларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқдир...**

9





## ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

* * *

● Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

● Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи Оққўрғон туманида бўлди.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов иштирокида тумандаги хотин-қизларнинг бандлиги масаласига бағишланган учрашув ўтказилди.

* * *

● 18 май санасидан бошлаб «Uzbekistan Airways» авиакомпанияси Нукус, Урганч ва Термиз шаҳарларига авиақатновларни йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси қарорига мувофиқ Авиакомпания маҳаллий авиайўналишларда қатновларни босқичма-босқич йўлга қўя бошлади.

* * *

● Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ахборот агентликлари уюшмасининг биринчи виртуал форуми ўтказилди. «Коронавирусга қарши чораларни қўллаб-қувватлашда ахборот агентликларининг ўрни» мавзуида ўтказилган тадбирда ташкилотга аъзо мамлакатларнинг 50 дан ортиқ миллий ахборот агентликлари масъуллари иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги вакиллари ҳам ушбу йиғинда қатнашди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

Postda
На посту

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

# ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ



**Собирзода ОРИПОВ,**
ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти бўлим бошлиғининг ўринбосари, майор.

**Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. 2020 йил 14 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги»ги Қонуни ана шу мақсадга хизмат қилади. Қуйида мазкур қонун билан Ўзбекисон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар устида тўхталиб ўтамиз.**

Кодекснинг 52-моддасида эндиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларнинг иш юритишнинг исталган вақтида ҳимоячидан воз кечиши мумкинлиги ҳақидаги ҳуқуқлари видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди. Бундан ташқари, мазкур жараён тегишли процессуал баённома билан мустаҳкамланиб, у гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, адвокат, шу билан бирга жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланиши ёхуд суд мажлиси баённомасига бу ҳақидаги тегишли ёзувлар киритилиши назарда тутилди. Ушбу жараён тасвирга қайд этилган видеоёзув мазкур баённомага илова қилиниши белгиланди. Бундан буён ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, кодекснинг 91-моддасида мажбурий равишда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, унда шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш ва шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ҳамда олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамланиши назарда тутилди.

Шунингдек, кодекснинг 217-моддасига мувофиқ, жиноят процессини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсга гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қўлланилган процессуал мажбурлов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юклатилди.

Шу билан бирга, кодекснинг 224-моддасига кўра, шахсни жиноят иши қўзғатилгунига қадар ушлаб туриш процессуал ҳаракати видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди. Бироқ ушлаб туриш кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда амалга оширилишига йўл қўйилиши назарда тутилган. Ушлаб туриш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносида амалга оширилган ҳолларда мазкур қоида татбиқ этилмайди.

Шунингдек, шахсни ушлаб туриш видеоёзувга қайд этилмаган ҳолда амалга оширилган ҳолларда, ушлаб турилган шахс яқин орадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносига олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, унга ҳуқуқларини тушунтирилиши шарт ва видеоёзув ушлаб турилган шахсга намойиш қилиш йўли билан таништирилади.

Шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар баённома ёрдамида расмийлаштирилиб, ушбу баённомага видеоёзув материаллари илова тариқасида қўшиб қўйилади. Шахсий тинтув шахсни ялонғочлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган тақдирда, мазкур процессуал ҳаракат видеоёзув орқали қайд этилмайди.

Шунингдек, кодекснинг 225-моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, ушлаб туриш баённомасида ушбу жараён видеоёзув орқали қайд этилганлиги, шахс мазкур видеоёзув материаллари билан таништирилганлиги, фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятлари акс эттирилиши лозимлиги ҳамда баённома процессуал ҳаракат иштирокчилари томонидан имзоланиши назарда тутилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жиноят процесси давомида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шуниг билан бирга, уни миллий нормаларнинг халқаро умумэътироф этилган нормаларга мувофиқлаштирилиш сари яна бир қадам сифатида баҳолаш мумкин.

ЭҲТИРОМ

# САМАРАЛИ МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасида ўз ишига садоқат билан ёндашиб, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшаётган ходимлар кўплаб топилади. Полковник Абдулазиз Давлатов ана шундай фидойи инсонлардан бири. У узоқ йиллар бош бошқарма бошлиғининг бош маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб борди.**



Куни кеча ҳамкасблари ва шогирдларининг эъзозида Абдулазиз Давлатовни нафақага кузатиш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ИИВ М ва ФРББ бошлиғи, полковник Улуғбек Муҳамедов сўзга чиқиб, унинг фаолиятига тўхталар экан, ҳамиша ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол бажарганини, ҳеч қачон хушёрликни қўлдан бермаганини, кўплаб шогирдлар тарбиялаганини алоҳида таъкидлади.

– Абдулазиз ака билан узоқ йиллар давомида хизматнинг оғир-енгилини, қувончли ва машаққатли дамларини елкама-елка туриб бирга бошдан ўтказганмиз. Доим менинг ҳавасимни келтирган фазилатларидан бири — зиддиятли вазиятларда ички хотиржамликни йўқотмайди. Кенг феълли, сабрли, оғир-босиқ инсон, – дейди ИИВ М ва ФРББ бошлиғининг ўринбосари, полковник Улуғбек Мирзақамбаров.

Ўз навбатида, полковник Абдулазиз Давлатов кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиромдан мамнунлигини билдириб, барчага ўз миннатдорлигини изҳор этди.

Шунингдек, тадбирда ИИВ М ва ФРББда ҳисобчи лавозимида ишлаб келган сержант Маъмуржон Хотамов ҳам нафақага кузатилди.

– Маъмуржон касбига, оиласи ва дўстларига садоқатли инсон. Ишига доим масъулият билан ёндашиб, ҳалоллиги билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонди, – дейди ИИВ М ва ФРББ Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи, полковник Фахриддин Турсунов.

Анъанага мувофиқ, фахрийларга зарбоб тўн кийдирилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

САХОВАТ ВА КЎМАК



# ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимизни коронавирус пандемиясидан буткул ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида кучайтирилган назорат тадбирлари давом этмоқда. Хусусан, Навоий вилояти Кармана туман ҳокимлиги, ИИБ, Миллий гвардия, СЭО маркази ҳамда ФВБ ҳамкорлигида навбатдаги дезинфекция тадбирлари кенг қамровда ташкил этилиб, бутун туман ҳудуди бўйлаб ўтказилди.**

Дастлаб бугунги кунда аҳоли гавжум жойлардан бири ҳисобланган марказий бозорларда зарарсизлантириш ишлари самарали йўлга қўйилиб, сотувчиларнинг гигиена талабларига риоя этаётганлиги ҳамда маҳсулотларнинг сифат даражаси назоратга олинди. Эътиборлиси, фуқароларнинг хавфсизлигини кўзлаб дезинфекциялаш туннели бозорнинг кириш-чиқиш йўлакларида ташкил этилди. Туман ИИБ ходимлари томонидан аҳоли ўртасида мазкур вазиятга бефарқ ёндашмаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, туман ИИБ ходимлари томонидан муқаддам судланган фуқароларнинг хонадонларига борилиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Туманнинг «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шаҳобиддин Сафаровнинг хонадони ҳам ушбу саховат тадбиридан бебаҳра қолмади. Унинг айни пайтда 3 нафар фарзандининг иқтисодий таъминотига қийналаётганлиги инобатга олиниб, қорамол берилди.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, халқимиз бошидан кечираётган айни синовли кунларда сабр-бардошлилик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бирдамлик каби эзгу фазилатларнинг қон-қонимизга сингиб кетганлиги келажакка умидни, яшашга бўлган иштиёқни кучайтирмоқда. Бундай халқни эса ҳеч қандай қийинчилик енга олмайди.

**Ўктам УСМОНОВ,**
**лейтенант.**
*Навоий вилояти.*

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

# СИНОВЛИ КУНЛАРДА ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ



**Йўлида тинчгина кетаётган киши кутилмаганда талончига ёки безорига дуч келса, қандай ҳолатга тушади? Ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган йигит бўлса-ку, жиноятчининг таъзирини бериб қўйиши тайин. Акс ҳолда, кишининг кўнглидан, қанийди, ички ишлар органи ходимлари келиб қолса-ю, бу ноинсофни қўлга олса, деган илинж пайдо бўлиши мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Одатда, шундай вазиятларда кўча ва жамоат жойларида, халқ орасида хизмат олиб борадиган патруль-пост хизмати ходимлари ёрдамга етиб келишади.**

Тошкент вилояти ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари ҳозирги кунда вилоятнинг барча ҳудудларида ҳушёрлик билан хизмат қилишмоқда. Батальон тўртта минтақага бўлинган бўлиб, бу узоқ ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ходимлар ҳудудларга жиноятчиликнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда хизматга жалб қилинади. Шу боис ҳам осойишталик посбонлари вилоят ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга, содир этилган жиноятларни тезкорлик билан фош этиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлаб келишяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 4 ойида батальон ходимлари томонидан 18 та жиноят очилди. Бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда эса 66 та жиноят фош қилиниб, ҳуқуқбузарлар қонун ҳукмига топширилди. Қолаверса, тезкор хизмат ходимлари билан биргаликда 15 нафар, бедарак йўқолган ва батальон ходимларининг ўзлари 4 нафар қидирувдаги шахсни қўлга олишга муваффақ бўлишди.

Батальон сафдор ходимлари – Рустам Маткаримов, Санжар Ҳамдамов ва Олимжон Турсунпўлатов Зангиота тумани Боғишамол маҳалласи ҳудудида хизмат олиб боришарди. Бир фуқаро осойишталик посбонларини кўриб, ўзини ғалати тута бошлади. Бундан шубҳаланган ходимлар уни тўхтатишди. Ўзини таништирган шахс холислар иштирокида текшириб кўрилганида, ёнида гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди.

– Ходимлар хизматга жалб қилинаркан, уларга йўриқнома ўтиш жараёнида белгиланган ҳудуддаги вазият, нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги жиддий уқтирилади, – дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Абдурашид Ҳусанхўжаев. – Қолаверса, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш кераклиги, қонун-қоидаларга, хизмат интизомига риоя этиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Шу билан бирга, қидирувдаги шахслар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилади.

Ўғрилик жинояти содир қилган И.Т. га нисбатан Ангрен шаҳар ИИБ томонидан жиноят иши қўзғатилган. Аммо у жорий йил бошидан буён қонун ҳукмидан қочиб юрарди. Шаҳар ҳудудида хизмат ўтаётган ППХ батальони отряд командирининг ўринбосари, капитан Рустам Пўлатхўжев, ходимлар – кичик сержант Музроб Шукуров, сафдор Илҳом Умаровлар уни кўриши билан қўлга олдилар. Энди И.Т. қилмишига яраша жавоб беради.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳар томонлама етук, хусусан жисмонан бақувват, қўл жанги, бокс, каратэ каби спорт турларини пухта ўзлаштирган бўлиши лозим. Негаки, жиноятчиларни қўлга олишда, жамоат тартибини сақлашда баъзан шундай вазиятлар бўлиши мумкинки, ходимнинг чаққонлиги, кучлилиги айни ўринда асқатиши турган гап.

Батальонда бу борада ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Спорт майдончасида осойишталик посбонлари кўплаб спорт турлари билан шуғулланиб, жисмонан чиниқадилар. Шунингдек, тренажёр залида ҳам барча шароитлар етарли. Батальон ходимлари орасида спортнинг бир қанча турлари билан мунтазам шуғулланиб келаётган осойишталик посбонлари талайгина. Масалан, сержант Иззат Мадаминов қўл жанги спортига қизиқади. Катта сержант Элдор Эгамов бокс билан шуғулланади. Катта лейтенант Жамолиддин Аҳмедов эса моҳир каратэчи. Улар ўз маҳоратларини сафдошларига ҳам ўргатиб, уларнинг ҳам спортга қизиқишларини оширишга ҳисса қўшишяпти.

Ходимларнинг маънавий-маърифий билимларини оширишга қаратилган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Маънавият ва маърифат дарсларига турли соҳаларнинг етук мутахассислари таклиф этилаётгани мавзуларнинг баҳс-мунозаралар руҳида, жонли ва қизиқарли тарзда ўтишига замин яратяпти. Батальонда ташкил этилган мўъжазгина кутубхонада мингга яқин турли адабиётлар ўрин олган.

Айни кунларда батальон ходимлари юртимиздаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, коронавирус пандемиясини кенг тарқалишининг олдини олиш, фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этишини таъминлаш борасида жонбозлик кўрсатишмоқда. Синовли кунларда халқимиз ишончини оқлаб, фидойилик намуналарини кўрсатиб, фуқаролар меҳрини қозонишмоқда.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Тошкент вилояти.*

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

# «БЭТТИ»НИНГ СЕЗГИРЛИГИ АСҚАТДИ



**Тунда номаълум кимсалар Урганч шаҳридаги «Satin Industrial» МЧЖ омборхонаси эшигини калит танлаш йўли билан очиб, корхонага тегишли бўлган 13 миллион сўмлик қурилиш материалларини ўғирлаб кетишган. Бундан хабар топган МЧЖ раҳбари зудлик билан шаҳар ИИБга мурожаат қилди.**

Воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи ишга киришди. Шу пайт ҳодиса жойида бўлган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати инструктор-кинологи, сафдор Тоҳирбек Олломовнинг «Бэтти» лақабли хизмат ити негадир корхона ишчиси А.Жуманазарни кўриб безовталана бошлади. Хизмат итини тинчлантирган кинолог ҳодиса жойида қолдирилган излар орқали «Бэтти»га ишора берди. Забонсиз жонивор бир нимани сезгандек, масъулияти чекланган жамият ҳудудидан чиқиб, ён томондаги қурилиши тугалланмаган бино томон елдек учиб кетди. Кинолог эса у билан изма-из югурди. «Бэтти» янглишмаган эди. Омборхонадан ўғирланган қурилиш материаллари ўша бино ертўласига яшириб қўйилганди.

– Баракалла, «Бэтти», – дея уни меҳр билан эркалади сафдор Тоҳирбек Олломов. – Қани, энди ўғрини топ-чи!

«Бэтти» яна Жуманазарнинг ёнига бориб, уни бир неча бор ҳидлади-да, кийимидан тортқилай бошлади.

– Мен ҳеч нимани ўғирлаганим йўқ, – эътироз билдирди Жуманазар.

Экспертлар воқеа жойидан олинган қўл-бармоқ излари айнан А.Жуманазарга тегишли эканини тасдиқлашди. Инкор этиб бўлмас далиллардан сўнг у қилмишини тан олишдан бошқа чора тополмади ва ўғирликни маҳалладоши Қ.Ўткир билан содир этганини, «ўлжа»ни кейинчалик олиб кетиш учун қўшни бино ертўласига яшириб қўйишганини тан олди...

Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматида 61 та зотли хизмат ити мавжуд. Ҳозирги пайтда улардан гиёҳвандлик воситаларини, портловчи моддаларни қидириб топиш, антитеррор, из қидирув, қўриқлаш йўналишлари бўйича хизматда фойдаланилмоқда.

Кинологларнинг бошқа соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида 124 марта воқеа жойларига чиқилиб, хизмат итлари ёрдамида 85 та жиноят «иссиқ изида» фош этилган. Шундан 9 таси гиёҳвандлик, 44 таси ўғрилик, 5 таси қотиллик, 27 таси бошқа турдаги жиноятлардир.

Кейинги йилларда вилоят ички ишлар органларида кинология хизматини янада ривожлантириш, соҳага энг тажрибали ходимларни жалб қилиш ҳамда уларга муносиб шароитларни яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хизматни ташкиллаштириш бўлинмаси базасида ходимларнинг билим савияси ва касбий маҳоратини ошириш, илғор иш тажрибаларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Белгиланган режа асосида ўтказилаётган ушбу ўқув машғулотларида барча соҳавий хизматлар ҳамда шаҳар-туман ИИБларининг кинолог ходимлари фаол қатнашди. Шунингдек, жойлардаги кинология хизматларига бўлинманинг етарли билим ва тажрибага эга бўлган ходимлари жалб қилиниб, улар соҳани янада ривожлантириш бўйича зарур маслаҳатлар, амалий ёрдамлар беришди. Айни кунда ҳам бу борадаги тадбирлар самарали давом этмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратда: инспектор-кинолог, сафдор Тоҳирбек Олломов машғулот пайтида.**
**Муаллиф олган сурат.**

РИТМ ЖИЗНИ

# ПОЖЕЛАЙ СЕБЕ СЧАСТЛИВОГО ПУТИ

**В связи с послаблением карантинных ограничений в «желтых» и «зеленых» зонах ритм жизни уверенно набирает привычные обороты. Свидетельством тому, к примеру, служит увеличение потока автомашин на дорогах Ташкента и столичной области. Это, конечно же, не может не радовать автолюбителей. Расчехлив машины, они отправляются в путь для разрешения накопившихся дел.**



При этом водителям перед выездом необходимо убедиться в исправности тормозной системы, рулевого управления, системы освещения транспортного средства и др. А еще – проверить, не истекает ли срок обязательного технического осмотра автомобиля.

Следует отметить, что вопросу обязательного технического осмотра транспортных средств уделяется особое внимание. И это не случайно, ведь в числе основных задач данного вида осмотра – осуществление надзора за техническим состоянием транспортных средств, соблюдением норм и правил их эксплуатации, оценка соответствия всех систем и оборудования автомашины стандартам, правилам, а главное – нормам безопасности дорожного движения.

Напомним, что во исполнение Закона Республики Узбекистан «О безопасности дорожного движения» Кабинетом Министров утверждено Положение о порядке проведения обязательного технического осмотра транспортных средств. Осмотр осуществляется также согласно Общему техническому регламенту «О безопасности конструкции автотранспортных средств по условиям эксплуатации» и иным нормативным документам.

Владельцам автомобилей следует иметь в виду, что технический осмотр каждого транспортного средства начинается с проверки соответствия типа, марки, модели, государственных регистрационных номерных знаков, идентификационных номеров шасси (рамы), кузова и двигателя данным, указанным в свидетельстве о регистрации (техническом паспорте, техническом талоне).

– Техническое состояние и оборудование транспортного средства строго проверяются на соответствие требованиям регламентов или стандартов, правилам и нормам безопасности дорожного движения, – говорит представитель УБДД ГУВД Ташкентской области лейтенант Рустам Аскаров. – При осмотре транспортных средств, переоборудованных для работы на газовом топливе, проверяются также срок эксплуатации, год выпуска, заводской номер, сроки испытания газовых баллонов, соответствие приборов газобаллонного оборудования установленным требованиям.

На транспортные средства, прошедшие технический осмотр, составляется соответствующий акт. В талоне о прохождении технического осмотра транспортного средства сотрудник органа ГСБДД ставит штамп установленного образца с отметкой об исправности.

Автомобиль, техническое состояние и оборудование которого не отвечают хотя бы одному из требований безопасности дорожного движения, считается неисправным, и его эксплуатация запрещается. И это не излишняя мера предосторожности. Ведь неисправность элемента автомобиля представляет угрозу безопасности водителя, пассажиров, иных участников дорожного движения, она может стать роковой.

Сухие цифры статистики свидетельствуют: из 36 286 автомобилей, принадлежащих физическим лицам, представленным в Ташкентской области на обязательный технический осмотр, технически исправными признаны 34 279, остальные 2 007 – нет.

Владельцам автомобилей, признанных неисправными или переоборудованными без соответствующего разрешения, не следует предаваться беспечности. Целесообразней в установленные сроки устранить недостатки и со спокойной совестью выезжать на дорогу, пожелав себе счастливого пути.

**Охунжон МУСТАФОЕВ,**
**специалист пресс-службы ГУВД Ташкентской области.**
**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**

КАРАНТИН

# ВСЕ СИЛЫ – НА БОРЬБУ С КОРОНАВИРУСОМ

**Сотрудники отдела на станции «Поп» УОБ на транспорте УВД Наманганской области сегодня выполняют особую миссию: активно участвуют в организации специальных рейсов по перевозке граждан в регионы долины.**

Основная часть пассажиров – жители Наманганской, Ферганской и Андижанской областей, которые находились на карантине в специально отведенных для этого клиниках Ташкентской области.



Поезда, в которых постоянно проводится тщательная дезинфекция, перевозят таких пассажиров в основном в ночное время суток. Сотрудники данного подразделения встречают граждан и пересаживают их в специально подготовленные автобусы, которые также прошли дезинфекцию. Соотечественники в сопровождении сотрудников органов внутренних дел Намангана доставляются по месту жительства. На сегодняшний день стражи порядка встретили 2 740 лиц, проходивших обследование.

В период карантина под руководством начальника отдела станции «Поп» капитана А. Орипова сотрудники транспортного подразделения выполняли задачи по недопущению правонарушений и преступлений на вверенном участке. Они ежедневно проходили инструктаж по сохранению собственного здоровья, измеряли температуру тела, получали специальные гигиенические средства.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*

18 МАЯ – МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ МУЗЕЕВ

# ЭКСПОЗИЦИЯ О ДОБЛЕСТИ И СЛАВЕ

**В Академии МВД Республики Узбекистан раскрыл свои двери реконструированный музей с обновленной экспозицией.**

В 2019 году в Академии МВД Республики Узбекистан для посетителей раскрыл свои двери полностью реконструированный музей с обновленной экспозицией.

Богатый фонд музея представлен в трех разделах.

Первый раздел посвящен истории кафедр, факультетов, управлений, отделов и служб Академии. Второй – повествует о славной истории образовательного учреждения в период с 1932 года до наших дней. Здесь собраны экспонаты, фотографии, рассказывающие о становлении вуза, деятельности в период Второй мировой войны и в послевоенные годы, подготовке кадров для органов внутренних дел в 1960–1970 годы, а также в годы, предшествовавшие обретению страной независимости. Отдельная экспозиция посвящена системе подготовки кадров для ОВД республики в годы независимости. Вниманию посетителей представлены также материалы, посвященные сегодняшнему дню Академии – ведущему высшему образовательному учреждению МВД, реформам, осуществленным по инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в системе подготовки, переподготовки и повышения квалификации специалистов.



Третий раздел экспозиции посвящен международным связям образовательного учреждения. Экспонаты и фотографии рассказывают о многогранном сотрудничестве Академии с международными организациями, зарубежными образовательными учреждениями.

С большим интересом посетители музея знакомятся с материалами, рассказывающими о руководителях образовательного учреждения, ветеранах, известных ученых, внесших достойный вклад в дело становления и развития Академии, доблестных выпускниках, героически погибших при исполнении служебного долга.

Необходимо отметить, что в качестве гидов в музее выступают сами курсанты. Причем экскурсии они проводят на разных языках – узбекском, английском, русском, турецком, китайском.

Деятельность музея Академии служит делу воспитания курсантов в духе любви к Родине, преданности профессиональному долгу.

**Дилмурод ДЖОРАЕВ,**
**майор.**



МУНОСАБАТ

# «МИЛЛАТНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ КЎРСАТАДУРҒОН ОЙИНАИ ҲАЁТИ»




### БАҲС-МУНОЗАРАЛАР

Яқинда Россия ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарованинг Ўзбекистон давлат идораларида ҳужжат юритишда давлат тилидан фойдаланиш шартлигини назарда тутувчи қонун лойиҳасига муносабат билдириб, мамлакатда буни ёқловчилар озчиликни ташкил қилаётганини айтиб чиққанидан хабарингиз бўлса керак. Унинг "Ўзбекистонда ўзбек тилида иш юритиш тарафдорлари жуда оз", деган фикрлари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати – «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати раиси Акмал Бурхонов, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Елена Комполььщик, Маданият вазири Озодбек Назарбеков, Олий аттестация комиссияси раиси маслаҳатчиси Зуҳриддин Исомиддинов, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқалар ўз нуқтаи назарини билдиришди.

Тўғриси, Мария хонимнинг фикрига росмана тушунмадим. Мустақил бўлганимизга ҳам 29 йил тўлмоқда. Ўз байроғи, мадҳияси, герби, миллий валютаси, Қуролли Кучларига эга суверен давлатмиз. Тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳам 30 йилдан ошяпти. Дипломатияни, давлатларнинг ички сиёсатини яхши англайдиган расмий вакилнинг сўзлари ғалати эшитилди. Нафсиламрини айтганда, унинг бу масала бўйича фикр билдириши умуман мантиққа тўғри келмайди.

### «МИЛЛАТНИНГ ТИЛИНИ ЙЎҚ ҚИЛСАНГ БАС»

Тарихдан маълумки, юртимизга эгалик қилиш илинжида келган истилочилар, аввало, тилимизни йўқотишга уринишган. Генерал М.Скобелев «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», қабилидаги гапни очиқча айтишдан тортинмаган. Мана шундай ёвуз ният туфайли бир асрдан ортиқ мустамлака даврида маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимиз ва тилимиз оғир кўргиликларни бошидан кечирди. Бироқ маърифатпарвар халқимиз, қатъияти ва мард зиёлиларимиз она тилимизни – миллий ғуруримизни сақлаб қолди.

Кауфман, Скобелев ва бошқалар чор Россияси учун хизмат қилганини, уларнинг фаолияти, босган ҳар бир қадами бошқа мустақил мамлакатлар учун қуллик, тутқунлик, зулм ва даҳшат элтганини унутиш қийин. Бир халқнинг юксалиши ёки жаҳон кенгликларига чиқиши ҳеч қачон бошқа халқларни эзиш, камситиш, уларнинг маънавий қадриятлари, муқаддас тилини йўқ қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак-да...

Собиқ иттифоқ даврида ва яқин-яқингача ҳамюртларимизга ота-оналари қўйган чиройли исмлар – «Қўчқор», «Хўжа», «Холтўра»лар ҳужжатларда «Кушкар», «Ходжа», «Халтура»га айлантириб камситилди. Хўш, бунисига нима дейсиз?!

### ТИЛИМИЗ – ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ

Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланяпти. Хусусан, турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Нуфузли халқаро анжуманлар ва бошқа тадбирларда ўзбекона калом янграяпти. Хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш марказлари ташкил этилмоқда. Тилимизни ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сафи ортиб боряпти. Бу эса барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер хоним,



ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблюм, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзянь Янь ва бошқалар ўзбек тилида самимий тилак ва табриклар билдираётгани, энг аввало, миллатимизга бўлган юксак ҳурматнинг амалдаги намунаси деб қараймиз.

Ўзбек тили бениҳоя бой тилдир. Буюк рус адиблари А. С. Пушкин, А. П. Чехов ва Л. Н. Толстой қаламига мансуб дурдона асарлар ўзбек тилига қанчалик маҳорат билан таржима қилинганини етук мутахассислар эътироф этишган. Рус тилида ишланган фильмларнинг ўзбек тилидаги талқинларига ҳатто россиялик ижодкорларнинг ўзлари ҳам тан беришган.

### ОНА ТИЛИМ, КЕЧИР МЕНИ, ОНА ТИЛИМ

Шу ўринда ҳассос шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг ушбу мисралари беихтиёр ёдга келади:

*Гарчи зуғум қилганларни*
*ёқтирмадим,*
*Шеър ёздим-у, бўлак ишни*
*қотирмадим.*
*Тилим туриб ўз тилимда*
*гапирмадим,*
*Бир эсласам эзилади бағри-дилим,*
*Она тилим, кечир мени, она тилим.*
*Кимлар учун биз эдик бир*
*бадавийлар,*
*Ўзбекни қон қақшатганни*
*ўзбек сийлар,*
*Ҳолимизни қон кузатди*
*Яссавийлар,*
*Топганимиз ҳандалакдек*
*тилим-тилим,*
*Она тилим, кечир мени, она тилим.*

### ЎЗИМИЗ САБАБЧИ

Қадимда халқлар ўз турар жойларидан мажбуран кўчирилганлари боис, улар бошқа минтақаларда яшовчи миллатлар билан қоришиб кетиб, уларнинг тилларини ўзлаштиришга мажбур бўлган. Эндиликда дунёда кичик халқлар ёшлари келажаги порлоқ сифатида кўриладиган иккинчи халқ тилидан фойдаланишга уринаётгани боис тиллар йўқолмоқда.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Уни сақлаб қолиш ўша халқнинг маданияти, урф-одати, анъана ва қадриятларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқдир.

Жорий йилнинг 17 март куни Халқаро пресс-клубда бўлган мунозарада педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев «Тошкентдаги ўрта мактабларнинг аксариятида рус тилида таълим берияпти, Ўзбекистон пойтахтида ўзбек мактаблари русча мактаблардан кам» деди.

Очиғини айтганда, барчасига ўзимиз сабабчи. Фарзандимиз катта амалдор бўлиши, жудаям ўқимишли бўлиши учун, албатта, рус мактабида ўқиши керак, деган фикр билан шунча йил ўзимизни алдаб келдик. Айрим ҳамкасбларимиз билан бирор ҳужжат юзасидан тортишиб қолганда, «мана бу сўз мана бунақа ёзилади» десангиз, «узр, мен рус мактабида ўқиганман, ўзбек тилини унчалик тушунмайман», деб қўйишади.

Ўтган йили бир гуруҳ зиёлилар, халқ артистлари, олиму санъаткорларимиз «рус тилига расмий тил мақомини берайлик», деб чиққани ҳаммамизнинг эсимизда. Ҳа, тилимизнинг нуфузи пасайишига ўзимиз сабабчи.

Она тили маҳв этилган жойда маънавиятсизлик заҳарли қўзиқориндай потирлаб чиқади. Пировард натижада тил йўқолган заминда эл йўқолади. Бундай фалокатдан ҳар бир халқни Яратганнинг ўзи асрасин!

### ТИЛИМИЗ ТАҚДИРИ УЧУН КУЙИНИШ

Мустақиллик халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини оширишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланилиши доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди. 2019 йил 4 октябрь куни Президентимиз «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги тарихий қарорни имзолади. Ўша йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бу тарихий ҳодиса бўлди. Чунки бир неча юз йилликларга назар солсангиз, ўзбек тили тарихида бундай муҳим ҳужжатлар эълон қилинмаган.

Эътиборлиси, она тилимиз тақдири ҳақида куйиниш ҳисси пайдо бўлди. Негаки, хоҳ тилшунос олим, бирор соҳа раҳбари ёки ўқитувчи, қўйингки, оддий инсон бўлсин, она тилимизнинг келажаги ҳақида қайғуриши лозим. Тил – улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганларидек, «миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти».

Шундай экан, тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшиш учун ҳар биримиз унга чуқур ҳурмат билан ёндашишимиз керак.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**майор.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# КОНЦЕПЦИЯ «БЕЗОПАСНАЯ СТОЛИЦА»: ОПЫТ И РЕЗУЛЬТАТЫ

**19 июня 2018 года было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности обеспечения общественного порядка, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью в городе Ташкенте», на основании которого с 1 июля 2018 года в столице успешно претворяется в жизнь Концепция «Безопасная столица».**



В рамках ее реализации в Ташкенте был внедрен комплекс мер по совершенствованию охраны прав и свобод личности, жизни и здоровья граждан, общественной безопасности.

Во-первых, с 16.00 дня до 8.00 утра организовано круглосуточное трехсменное патрулирование с привлечением сотрудников подразделений органов внутренних дел, Национальной гвардии, представителей общественности.

Во-вторых, сотрудники профилактических, оперативных и следственных подразделений органов внутренних дел и прокуратуры, административных судов, адвокатуры, а также службы судебно-медицинской экспертизы, полноценно осуществляют свою служебную деятельность в вечернее и ночное время суток.



В-третьих, обеспечено максимально быстрое прибытие к месту происшествия подразделений органов внутренних дел, в первую очередь патрульных групп сил обеспечения общественного порядка в целях своевременного предупреждения и пресечения правонарушений.

Одной из важнейших тенденций осуществляемых реформ является развитие и укрепление низовых подразделений ОВД, на которых возложена задача по охране общественного порядка, безопасности граждан, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью непосредственно на местах. В Ташкенте созданы 80 отделов внутренних дел, деятельность которых максимально учитывает проблемы и нужды населения.

Кроме того, введены мобильные центры связи и координации сил обеспечения общественного порядка с закреплением их за территорией обслуживания отделов внутренних дел, которые координируют деятельность подразделений всех задействованных государственных органов при несении службы в вечернее и ночное время суток.

Мобильные центры осуществляют следующие задачи:

– содействие отделам внутренних дел в проведении контроля, управления и организации эффективного взаимодействия сил обеспечения общественного порядка и подразделений задействованных государственных органов;

– оперативное реагирование на поступающие заявления, сообщения и другие сведения о правонарушениях путем обеспечения незамедлительного прибытия ближайшей патрульной группы к месту происшествия;



– выполнение функций мобильного штаба в целях координации и маневрирования силами обеспечения общественного порядка, в том числе с непосредственным выездом на место происшествия;

– осуществление непосредственного слежения и визуальной оценки с использованием информационно-коммуникационных технологий оперативной и криминогенной обстановки при проведении массовых мероприятий и в местах массового скопления людей;

– привлечение профилактических, оперативных и следственных подразделений органов внутренних дел и прокуратуры для принятия установленных законом мер при выявлении фактов правонарушений и задержании разыскиваемых преступников.

Сотрудники мобильных центров анализируют информацию и передают ее на исполнение. Онлайн-связь между штабом и отделами внутренних дел позволяет оперативно реагировать на возникающие ситуации.

Передвижные мобильные центры организованы на базе смарт-автобусов, дислоцируются в наиболее оживленных местах города и на участках с повышенной криминогенностью. Они оснащены камерами наблюдения, GPS-устройствами, средствами связи, позволяющими им выполнять и функции штаба.

Весомая роль отводится компактным многофункциональным патрульно-постовым объектам, которые осуществляют наблюдение за прикрепленной территорией с помощью установленных видеокамер. Информация передается по рации сотрудникам патрульно-постовой службы, оперативно прибывающими на место происшествия. Пункты дислокации ППС, расположенные в районе аэропорта и улицы Сайилгох, в случае необходимости, оказывают содействие населению и гостям нашей столицы.

В соответствии с Концепцией, в каждой махалле столицы созданы общественные группы патрулирования «Фидокор ёшлар». Их состав формируется из числа: призывников, обратившихся в районные отделы по делам обороны с намерением несения срочной военной службы; кандидатов, изъявивших желание поступить в высшие военные образовательные учреждения республики, а также образовательные учреждения органов внутренних дел; кандидатов, желающих служить в органах внутренних дел.

В ходе реализации комплекса «Безопасный город» в деятельность отделов внутренних дел г. Ташкента активно внедряется система интеллектуального распознавания лиц и регистрационных номеров транспортных средств. Осуществляется оснащение сотрудников служебными мобильными телефонами (планшетами), имеющими целевое программное обеспечение и допуск к базам данных электронных информационных систем органов внутренних дел, которые позволяют проверить, состоит ли человек на учете, находится ли он в розыске.

**Концепция «Безопасная столица» позволяет решать целый комплекс задач, включающий в себя вопросы ранней профилактики правонарушений, тесного взаимодействия органов внутренних дел, Национальной гвардии и общества. В результате принятых мер количество преступлений, совершенных в общественных местах, сократилось в 2018 году на 42,2 %, а в 2019 году – на 8,63 %. В 2018 году общий уровень преступности снизился на 33,5 %, в 2019 году – на 5,96 %.**

Благодаря полученному положительному результату, данная Концепция была внедрена в остальных крупных городах республики.

Работа по совершенствованию ее отдельных аспектов еще ведется, однако спокойствие и безопасность наших людей, гарантированные в любое время суток, тесное взаимодействие государственных органов с общественными институтами, выросший авторитет органов внутренних дел, Национальной гвардии, укрепление доверия населения к правоохранительным органам свидетельствуют о том, что Концепция «Безопасная столица» является эффективной и обладает огромным потенциалом.

**Людмила ЮГАЙ,**
**доктор философии (PhD) по юридическим наукам, подполковник.**

ГОРЯЧАЯ ЛИНИЯ

# ЧЕСТЬ МУНДИРА

**Утром 66-летняя Назира опа встала пораньше, чтобы испечь самсу к приходу любимых племянников, проживавших в соседнем доме. Внезапно ей стало так плохо, что потемнело в глазах и стало трудно дышать.**

Назира опа много лет болеет сахарным диабетом. В таком состоянии она не смогла бы самостоятельно сходить в клинику, чтобы получить необходимое лечение, тем более что во время карантина транспорт не ходил.

Племянница Замира сразу позвонила на горячую линию ГУВД г. Ташкента с просьбой помочь отвезти ее тетю, проживающую в Яккасарайском районе, в медицинское учреждение для получения лечения. Спустя время сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД столицы связались с девушкой и помогли ей и ее тете добраться до клиники. Пожилой женщине была оказана необходимая помощь, после чего их доставили домой. Благодаря оперативной реакции и поддержке сотрудников жизнь пенсионерки была вне опасности.

ГУВД г. Ташкента принимало по телефонам горячей линии просьбы граждан о содействии в передвижении, как по столице, так и между регионами. В основном это касается семей, разделенных карантином, а также поездок в медицинские учреждения. Стражи порядка в подобных случаях оказывали адресную помощь. Ежедневно поступали десятки обращений граждан с просьбой решить возникшие вопросы.

В то время, когда коронавирусная пандемия ставит под угрозу здоровье людей, сотрудники ГУВД столицы продолжают оказывать помощь. На телефоны горячей линии, организованной в Главном управлении столицы для приема обращений граждан, ежечасно поступает до десяти сообщений. Недавно сотрудники помогли жительнице Мирзо-Улугбекского района, 55-летней Инессе. Она имеет проблемы со зрением и записалась на прием в глазную клинику, расположенную по улице Коратош. Но в связи с прекращением работы общественного транспорта самостоятельно добраться до клиники не могла. Сотрудники турполиции решили проблему и отвезли женщину в клинику.




– В Управлении туризма есть группа профилактики, подразделения охраны общественного порядка, следственная группа, службы безопасности дорожного движения, уголовного розыска и другие, – говорит инспектор профилактики Управления по обеспечению безопасного туризма (УОБТ) ГУВД г. Ташкента старший лейтенант Бахыт Нуруллаева. – Когда мы с коллегой начали раздавать брошюры о нашем подразделении, гостиничный персонал одного из столичных хостелов был приятно удивлен, что у нас появилась туристическая полиция. Мы также несли службу в Международном аэропорту «Ташкент» имени Ислама Каримова, помогали туристам в тех случаях, когда они теряли личные вещи, багаж, кошельки; некоторые не могли найти забронированную гостиницу; у кого-то возникали проблемы с просроченной визой. Мы помогали заполнять документы и вернуться домой.

Были случаи, когда сотрудники спасали жизнь домашним животным. В группу «ГУВД: Диалог с населением» с просьбой помочь доставить умирающую собаку к ветеринару обратился некий Олег. Врач уже ждал пациента. Владелец был бы готов отнести собаку на руках, но почти 50 кг веса питомца и далекое расстояние не позволяли это сделать. Сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента – старший лейтенант Рафаэль Асфандияров и старший лейтенант Бахыт Нуруллаева связались с Олегом и предложили сопроводить его с собакой до ветеринарной клиники, помогли и в поисках лекарств. Ситуация была критическая, но оперативные действия сотрудников сохранили жизнь четвероногого друга.

Работа ведется непрерывно.

– Сотрудники нашего управления всегда готовы откликнуться, – говорит лейтенант группы профилактики УОБТ ГУВД г. Ташкента Сайера Рузиева, – помочь каждому человеку. Но так как силы и средства ограничены, мы выбираем только экстренные, самые жизненно важные заявления, поступающие от граждан, и пытаемся своевременно помочь жителям столицы в период карантина.

Управление по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента тесно сотрудничает с Департаментом по развитию туризма г. Ташкента и с Государственным комитетом Республики Узбекистан по развитию туризма. Самое главное для сотрудников – соблюсти честь мундира.

**Гуля МАХКАМОВА.**

ПАМЯТЬ

# МУЖЕСТВО И ГЕРОИЗМ

**1 мая 2020 года рано утром на Сардобинском водохранилище прорвало дамбу. Началось наводнение. Жизнь жителей Сырдарьинской области оказалась под угрозой.**

Для проведения эвакуационных работ одним из первых прибыл личный состав группы оперативного реагирования Национальной гвардии Республики Узбекистан. Вскоре к нему присоединились сотрудники министерств внутренних дел, по чрезвычайным ситуациям, обороны. Для вывода населения из затопленных территорий задействовали спецоборудование, транспорт, вертолеты. В общей сложности было эвакуировано более 70 000 жителей, госпитализированы 56 граждан.

Военнослужащие Национальной гвардии, так же, как и сотрудники других ведомств, работали, не жалея сил, рискуя жизнью. Один из гвардейцев – сержант 3-й степени Хусниддин Суяров героически погиб, спасая людей. Он пожертвовал собой ради тысяч соотечественников.

– В тот день сотрудники Национальной гвардии стучались во все дома, будили жителей, предупреждали о грядущей опасности. Когда хлынула вода, они стали помогать тем, кто не успел покинуть территорию, сажали людей в вертолеты. Если бы не гвардейцы, нам бы не удалось спастись, – выразил слова благодарности житель махалли Учтом Умар Маматкулов.

Один из спасенных жителей, Даврон Кудратов, рассказывает, что трое военнослужащих поспешили к нему на помощь, помогли забраться в вертолет. «Благодаря им я остался жив», – подчеркнул Даврон.

Хусниддин Суяров служил в Вооруженных Силах Узбекистана с 2007 года. Этим летом ему исполнилось бы 32 года. В сердцах не только его близких, но и всех соотечественников он навсегда останется героем.



Родители погибшего сержанта не могут смириться с тяжелой утратой.

Мать Хусниддина, Зулфия Суярова, ежеминутно вспоминает о своем сыне. «В те моменты, когда казалось, что сыну тяжело дается служба, я просила его отказаться от этой профессии, – говорит она. – Он не успевал отдохнуть после работы. Я очень переживала. Но Хусниддин остался верным данной клятве, он стремился помочь всем, так и ушел из жизни, помогая людям. Сын очень любил свою работу… Я горжусь им…»

Горе матери и 25-летней вдовы Хусниддина, оставшейся с двумя детьми, описать невозможно... Четырехлетняя старшая дочь и двухмесячная младшая еще не осознают, что значит жить без отца…

– До свадьбы он предупреждал меня, что жизнь военнослужащего нелегкая, но я не думала, что это будет так тяжело. Может быть, время залечит душевную рану, – говорит сквозь слезы вдова Хусниддина Суярова, Нозима.

Хусниддин с детства был отзывчивым, мечтал о профессии военного. Об этом со скорбью вспоминают его учителя и одноклассники. Они отмечают его настойчивость, мужество, непоколебимость. Хусниддин активно участвовал в общественной жизни школы, а затем таким же деятельным показал себя во время обучения в сержантской школе Восточного военного округа и Самаркандской школе подготовки сержантов Вооруженных Сил Республики Узбекистан. На протяжении всей службы его отмечали только с положительной стороны.

Сослуживцам Хусниддина трудно вспоминать тот трагический день. Течение было сильное, поток все смывал на своем пути. Вода несла с собой ветви деревьев, строительный мусор, это сильно осложняло спасательные работы, вспоминают гвардейцы.

Хусниддин Суяров был посмертно награжден нагрудным значком I степени Командования Национальной гвардии Республики Узбекистан «За образцовую службу».

Память вечна, подвиг бессмертен... Героизм и мужество военнослужащего Национальной гвардии – сержанта 3-й степени Хусниддина Суярова навсегда останутся в памяти народа.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**специалист пресс-службы Национальной гвардии Республики Узбекистан, рядовая.**

Postda
На посту

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# «ХАВФСИЗ ПОЙТАХТ» КОНЦЕПЦИЯСИ: тажриба ва натижа

**Сир эмаски, катта шаҳарларда урбанизация натижасида аҳоли сони шиддат билан ўсиб бормоқда. Шаҳар инфратузилмасининг мукаммаллашуви унда яшовчи аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва техноген муҳитни бошқариш учун замонавий ёндашувни ўз ичига олган бутунлай янги тизим яратилишини талаб этади. Ушбу тизим шаҳар инфратузилмасининг барча нуқталарини доимий назорат қилиш, унда юз берадиган воқеаларни кузатиб туриш ва вужудга келган фавқулодда вазиятларни тезкорлик билан бартараф этиш имкониятига эга бўлиши лозим.**






Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»да мамлакатимизда рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари белгиланган.

Хусусан, 2020–2021 йилларда Тошкент шаҳрида синов тариқасида «Электрон соғлиқни сақлаш» йўналишида «Ягона электрон тиббий карта», «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон рецепт», «Лаборатория», таълим йўналишида «Болалар боғчаси», «Электрон кундалик», «Олимпиада», «Масофавий таълим», коммунал соҳасида табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси автоматлаштирилган тизимларини интеграция қилиш орқали «Менинг уйим» ахборот тизими яратиш ва жорий этиш, шунингдек, қурилиш, транспорт, хавфсиз туризм, экология йўналишларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистонда «Ақлли шаҳар» инновацион технологияларини жорий этишнинг бошланғич босқичи сифатида «Хавфсиз пойтахт», «Ақлли транспорт», «Ақлли тиббиёт» каби йўналишларда синов лойиҳалари амалга оширилмоқда.

### Хўш, «Хавфсиз пойтахт» лойиҳаси ўзи нима? Унинг мақсади нимадан иборат?

Маълумки, Президентимизнинг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази этиб қайта ташкил этилди.

Унинг асосий вазифаларидан бири этиб, «Хавфсиз пойтахт» ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш, унда ички ишлар органлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари, видеокузатув тизимлари, ҳуқуқбузарликларнинг қайд этилиши, объектлар қўриқланишини, эҳтимол тутилган хавф-хатарлар тўғрисида барвақт хабардор қилиш ва уларга эътибор қаратиш интеллектуал таҳлил ускуналари, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича бошқа ахборот тизимлари, навбатчи-диспетчерлик марказлари ҳамда маълумотларга ишлов берувчи марказларнинг интеграциялашуви назарда тутилди.

Дарҳақиқат, «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплекси атрофда жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун тизимли ёндашувни таъминлайдиган Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестициявий қулай муҳитни яратиш учун муҳим элементлардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда «Хавфсиз пойтахт» ягона аппарат-дастурий комплекси ички ишлар органлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимларига интеграция қилиниши шарти билан яратилди. Ушбу лойиҳани дастлаб синов тариқасида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида амалга ошириш ва ва кейинчалик уни бутун республика ҳудуди бўйича жорий этиш режалаштирилди.




### «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплекси тизими нималардан иборат?

Жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш доирасида давлат ва хусусий секторни қўриқлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, тақсимловчи электр подстанцияларини назорат қилиш, «Ақлли автотураргоҳ», «112 хизмати» ҳамда «Геоахборот тизими», «Хавфсиз туризм», Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишларини махсус автоматлаштирилган техник фото ва видеофиксация воситалари ёрдамида қайд қилиш тизими «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплексининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

### «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплексининг тўлақонли ишлаши учун қандай ишлар амалга оширилди?

Тошкент шаҳрида «Хавфсиз пойтахт» интеграцияланган тизимини яратишга чет эл инвесторлари жалб этилди. Хусусан, Хитойнинг «HUAWEI» ва Германиянинг «ATLAS International» компаниялари билан инвестиция шартномалари тузилди. Бугунги кунда кузатув камералари, боди-камера қурилмалари ва интеллектуал видеоплатформа етказиб берилди.

2019 йил 25 декабрдан мобил комплекс қурилмалари босқичма-босқич ишга туширилиб, тизим ёрдамида жами 98 584 та қоидабузарлик аниқланди ҳамда 92 640 та ҳолат юзасидан 42 460,3 млрд. сўмлик маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Ижтимоий объектларга ўрнатилган интеллектуал видеокузатув тизими узоқ масофада жойлашган ижтимоий объектларда жисм ёки шахсни ҳарорати бўйича идентификациялаш, тақиқланган ҳудудни кесиб ўтиш (электрон девор), белгиланган ҳудудда тақиқланган буюмларни қолдириб кетиш, шахсни идентификациялаш, қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш, геоахборот тизими орқали қидирувда бўлган шахслар йўналишини аниқлаш каби техник имкониятларга эга.

Бугунги кунда Хитойнинг «Leon Technology Co. Ltd», «Hikvision» ҳамда Германиянинг «SIEMENS» компаниялари билан фото-видео қайд қилиш қурилмалари, кузатув камералари, радар қурилмалари, замонавий светофор чироқларини ўрнатиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

### «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплекси тўлиқ ишлаши учун кадрлар салоҳияти етарлими?

Тизим самарадорлигини ошириш бўйичa «Хавфсиз пойтахт» маркази томонидан тизимнинг барча техник имкониятларини ички ишлар бўлинмаларининг шахсий таркибига етказиш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва уларни қисқа муддатда фош этиш, тезкорликни ошириш, куч ва воситаларини тўғри тақсимлаш мақсадида ўқув қўлланма ишлаб чиқилиб, индивидуал тарзда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Қолаверса, инвестиция шартномалари доирасида кириб келаётган янги дастур ва ускуналар билан ишлаш учун инвесторлар томонидан мутахассисларни ўқитиш масаласи шартнома предметига киритилган.

Шу ўринда, «Хавфсиз пойтахт» лойиҳаси чет эл давлатларида қанчалик ривожланган, деган саволга жавоб олиш учун рақамли технологияларнинг ривожланганлиги бўйича олдинги ўринда бўлган давлатлардан бири ҳисобланган Хитой тажрибасига назар ташлашимиз мумкин. Хитойда ушбу лойиҳа 2005 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунга келиб, ушбу давлатда 200 миллион кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, 2020 йилнинг охиригача яна 400 миллионга яқин камераларни ўрнатиш режалаштирилмоқда. Юқорида қайд этилган «Hikvision» компанияси Хитойнинг ички бозорини кузатув камералари билан таъминловчи етакчи компаниялардан ҳисобланади. Хусусан, 2016 йили ушбу компания ички бозорга 55 миллион, 2019 йилда 90 миллион кузатув камераларини етказиб берган. Хитойда кузатув камералари деярли барча жойларда, хусусан, катта магистраллар, йўловчи ўтиш жойлари, гипермаркетлар, ҳар қандай ижтимоий объектлар, аэропорт ва туристик жойларда ўрнатилган. Автомобиль йўлларида, чорраҳаларда кўп миқдорда кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, улар нафақат йўл ҳаракатидаги қоидабузарликларни аниқлайди, балки парковка, кўчада ноқонуний савдо қилиш каби ҳуқуқбузарликларни аниқлашда ҳам катта ёрдам беради. Энг асосийси, бу ҳаракатлар инсон (ходим) иштирокисиз амалга оширилмоқда.

**Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, «Хавфсиз пойтахт» аппарат-дастурий комплекси шаҳар хавфсизлигини таъминлашда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, жамоат тартибини сақлашда вужудга келадиган нохуш вазиятларда тезкорлик билан жавоб қайтариш, қолаверса, маҳаллий бюджетни иқтисод қилиш, турмуш даражасининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва «рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишга омил бўлиб хизмат қилади.**

**Сахипжамал ДЖОЛДАСОВА,**
**майор.**

# СИРДАРЁЛИКЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

## «Ҳақиқий жасорат шу бўлса керак»

**«Кимнингдир бақираётган овозидан уйғониб кетдим. Енгил кийинганча кўчага отилдим. Профилактика инспекторимиз хизмат автомашинасидаги овоз кучайтиргич орқали «Сув омбори тўғони ўпирилган, қўшниларингизни уйғотинг, бир неча дақиқадан кейин сув босади, тезда кетинг», дея огоҳлантираётган экан. Болаларни уйғотиб, қўлга илинганини олганча катта йўл томон чопдик.**

**Кимдир енгил машинасида, яна кимдир юк машинасида кета бошлади. Бировлар тезгина жўнаб қолди, баъзилар бошқаларга ёрдам берди. Маҳалладан узоқлашарканман, кўзим яна кўчаларни айланаётган профилактика инспекторининг автоуловига тушди. Бирпасда сув ёпирилиб келди.**

**Катта йўл маҳалламиздан юқорироқда жойлашгани учун кўпчилик ўша ерда тўпланганди. Кўп ўтмай ички ишлар органлари ходимлари етиб келишди. Улар дуч келган автомашинани тўхтатиб, аввал болалар, сўнгра аёллар ва қарияларни кўчира бошладилар. Агар профилактика инспектори ҳаммамизни уйғотмаганида, ички ишлар органлари ходимлари йўлдаги болалар, аёллар, қариялар, борингки, барчани тўғри келган автоуловга чиқариб, жўнатишмаганида нима бўларди, билмайман. Ўйласам, қўрқиб кетаман...»**



Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.

Бу воқеани бизга Сардоба туманининг Қўрғонтепа маҳалласида яшовчи Давлат Азимов сўзлаб берди. Умуман олганда, жорий йилнинг 1 май куни тонгда Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги сув оқимидан



зарар кўрган аҳоли пунктларида яшовчилар юқорида тафсилоти келтирилган воқеага ўхшаш ҳолатларга гувоҳ бўлишди.

Айтганча, ўша тонгда қўрғонтепаликларни офат таҳдидидан огоҳ қилган Сардоба тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Бегматов 11 ва 13 ёшли қизалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

– Ички ишлар органлари ходимлари одамларни навбатма-навбат кўчиришаётган эди. Шу пайт кимдир «Болалар оқиб келяпти», деб бақирди. Профилактика инспекторимиз ўйлаб ўтирмасдан ўзини сувга ташлади. Кўз олдингизга келтиринг: тошқин, қоп-қора сув, ичида оқаётган ёғоч ёки сим танангга тегиб кетса борми? Камига этни жунжиктирадиган совуқ эди. Отабек болаларнинг олдига етгунча 30 метрларча оқимни кесиб сузди, қизларни елкасига олгач, оқим бўйлаб ҳаракат қилди ва қуруқ ерга чиқиб олди. Бундай ишни қилишга унча-мунча одамнинг юраги бетламайди, ҳақиқий жасорат шу бўлса керак, – **дейди қўрғонтепалик Нодир Сатторов.**

Профилактика инспектори томонидан қутқарилган иккала қизалоқ саломат, шифохонада уларга 11 кун давомида тиббий ёрдам кўрсатилгач, яқинларининг бағрига қайтишди.

Умуман олганда, ўша куни ички ишлар органлари ходимлари сув босган ҳудудларда аҳолини қутқариш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Хусусан, сув босган аҳоли пунктлари ҳамда сув омборига ёндош қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчилар давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатувида вилоятнинг бошқа туманларига, қўшни Жиззах ва Тошкент вилоятларига талафотсиз кўчирилиши таъминланди.

**... Шу пайт кимдир «Болалар оқиб келяпти», деб бақирди. Профилактика инспекторимиз ўйлаб ўтирмасдан ўзини сувга ташлади ...**

## «Яхши кунда йўлдош, ёмон кунда суянч»

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари фуқароларнинг йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳужжатларини расмийлаштириш чораларини кўришди. Шу мақсадда махсус жиҳозланган микроавтобусда зарар кўрилган ҳудудларга чиқилиб, биометрик паспортлар тайёрлаш учун маълумотлар базаси шакллантирилди.

Худди шунингдек, ички ишлар органлари ходим-



лари томонидан хонадонларда амалга оширилаётган тозалаш ва кўздан кечириш тадбирлари жараёнида топилган ҳужжатлар ва қимматбаҳо буюмлар ўз эгаларига етказилаётир.

– Маҳалламиз профилактика инспектори Бекзод Соатов оиламизга тегишли ҳужжатлар билан бирга тилла зираклар, занжирлар, билакузуклардан иборат қимматбаҳо тақинчоқларни топиб, қайтарди, – **дейди Сардоба туманининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Одилжон Жуманов.** – Мол-мулкимизни асраётган, яхши кунимизда йўлдош, ёмон кунимизда суянч бўлаётган ички ишлар органлари ходимларига раҳмат.

Офат туфайли йўқолган чорва молларини топиш, тўплаш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ҳам тизим вакиллари зиммасида. Бу тадбирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост хизмати каби бир қатор соҳавий хизматлар ходимлари ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари жалб этилган. Натижада Сардоба туманида қарийб 3 минг бош, Оқолтин туманида 4 мингга яқин, Мирзаобод туманида 4 мингдан ошиқ йирик ва майда шохли моллар белгиланган тартибда эгаларига қайтариляпти.

Шунингдек, ички ишлар органлари ва давлат санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари нобуд бўлган қорамоллар ва паррандаларни зарарсизлантириш, махсус майдонларга кўмиш тадбирларини амалга оширишяпти.

Офат таъсирига тушган аҳоли пунктларининг барча кириш жойларида блок-постлар ташкил этилган. Бу постларда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг вазифаси ўғрилик ва талон-торожларнинг олдини олишдир. Айни шу мақсадда вилоятнинг Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 108 та йўналишда 532 нафар ходим патруллик қилмоқда.

Мазкур ҳудудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларни кўчириш, махсус қурилиш техникалари ҳамда ускуна ва юкларни кузатиш тадбирларига ИИВ ЙҲХББ, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах вилоятларидан 243 нафар ходим ҳамда 90 та ЙПХ автоулови сафарбар қилинган. Хусусан, соҳа



вакилларининг бир гуруҳи Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги «Балиқлитоғ» конидан «Сардоба» сув омборининг бузилган қисмини тиклаш учун тош ташилаётган автомашиналарнинг хавфсиз ва тўхтовсиз ҳаракатини таъминламоқдалар. Маълумот ўрнида айтиш керак, мазкур карьердан 120 та оғир юк машинасида 110 километр йўл босилиб, ҳар куни ўртача 6 минг тонна қурилиш хом ашёси етказиб берилаётир.

## Бемисл ўзгаришлар арафасида

Бугунга келиб сув босган ҳудудлардаги яроқсиз бинолар қолдиқларини тозалаш, зарар кўрган иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, янги бинолар, инфратузилма объектлари қуриш, электр, газ ва ичимлик суви таъминотини тиклашга киришилган. Чунончи, Сардоба туманининг Қўрғонтепа, Юртдош, Дўстлик маҳаллаларида ўнлаб юк транспортлари, автокранлар, юк ортиш техникалари ишлаётганига гувоҳ бўлдик.

Қайсидир машиналарда эски бинолар қолдиқлари, оқим суриб келган чўкиндилар олиб чиқилаётган бўлса, бошқаларида қурилиш маҳсулотлари келтириляпти. Улкан экскаваторлар аҳоли пунктлари ва экин майдонлари теварагидаги зовурларни тозалаётир.

Хуллас, бу ерда республикамизнинг барча минтақаларидаги қурилиш корхоналарининг ишчи-ходимларини кўрасиз. Улар қисқа муддатларда янги шаҳарча бунёд этишни режалаштиришган.

– Тез орада Қўрғонтепа, Юртдош, Дўстлик маҳаллалари ҳудудидаги 500 та туражойнинг реконструкцияси бошлаб юборилади, – **дейди халқ депутатлари Сардоба тумани кенгаши депутати Мусурмонқул Азимов.** – Дўстлик маҳалласи ҳудудида 37 та кўп қаватли уй, 1 та ўрта умумтаълим мактаби, 1 та мактабгача таълим муассасаси, экобозор, маҳалла гузари барпо этилади. Шунингдек, кичик бизнес ва ишлаб чиқариш ҳудуди бунёд қилинади. Бу эса юзлаб иш ўринлари демакдир. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун айни вақтда ўн минг қурувчига мўлжалланган ётоқ жойлари ҳозирланяпти. Ушбу ўзгаришлардан сардобаликлар мамнун. Қисқаси, бу кунлар унут бўлиб кетади. Одамларимиз ҳамма шароитларга эга шаҳарчада яшай бошлайдилар. Шу маънода, дардимизни аритаётган Президентимизга, қурувчилар, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига элимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Ҳа, айни вақтда сардобаликлар ҳаётида бемисл ўзгаришлар кутилаётир. Бу ишларга ички ишлар органлари ходимлари камарбаста бўлмоқдалар. Жумладан, «Сардоба» сув омбори билан боғлиқ фавқулодда ҳолат юз берган куниёқ вазирлик топшириғи асосида республикамизнинг барча ҳудудларидан ички ишлар органларининг қатор соҳавий хизматлари ходимлари ёрдамга етиб келишди. Улар ҳозирги пайтда сирдарёликларга ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлишмоқда.

Хуллас, Президентимиз ва республикамиз раҳбарияти томонидан Сардоба, Мирзаобод ҳамда Оқолтин туманларини обод этиш, ҳудуд аҳолисини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан режалар белгиланган. Табиийки, бу режаларни амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам муносиб ўрни, ҳиссаси бўлади.

КИНОЛОГИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

# Проявили бдительность, умение и навыки

**Несмотря на то, что коронавирусная инфекция, в силу определенных причин, значительно затрудняет деятельность сотрудников органов внутренних дел, стражи порядка не снижают уровень бдительности и активно продолжают борьбу с проявлениями преступности.**

Среди основных действующих подразделений необходимо отметить работу Кинологической службы ГУППСиООП МВД Республики Узбекистан.

В настоящее время в разы усилены меры предупредительного характера, однако приверженцы наркотического зелья не оставляют попыток реализовать свой смертоносный товар и стараются найти любой выход из сложившегося положения. Для наглядности приведем примеры того, как кинологи и их четвероногие «коллеги» оперативно пресекают преступные намерения некоторых наших граждан.

Так, в ночь с 12 на 13 мая 2020 года младший инспектор-кинолог отделения поиска и обнаружения наркотических веществ 2-го УКД кинологической службы УППСиООП ГУВД г. Ташкента сержант Дильмурод Умаров в ходе проведения мероприятия «Черный мак-2020», в Бектемирском районе г. Ташкента, на посту ДПС «Шарк» остановил для досмотра автомобиль «Нексия-3», за рулем которого находился житель Андижанского района Андижанской области Ахрорбек Д., следовавший в столицу. В досмотре транспортного средства участвовал служебный пес по кличке Лойд, который обнаружил под сиденьем водителя 9,08 г наркотического вещества «гашиш».



По данному факту следственный отдел при УКД ОВД Бектемирского района столицы возбудил уголовное дело по ч. 2 ст. 276 УК Республики Узбекистан.

3 мая сего года в Карманинском районе Навоийской области сотрудник кинологической службы УППСиООП УВД Навоийской области младший сержант Ойбек Жураев нес службу на посту ДПС «Самарканд» со служебной собакой по кличке Рем. Для досмотра был остановлен автомобиль марки «Мерседес-Бенц», следовавший по трассе «Самарканд–Бухара». У сотрудников органов внутренних дел имелись подозрения в том, что пассажир данного автотранспортного средства, Дильшод К., проживающий в г. Самарканде, имеет при себе наркотическое вещество. При проверке Рем дал знать правоохранителям, что их подозрения верны. В кармане брюк подозреваемого было обнаружено наркотическое вещество «марихуана» общим весом 1,39 грамма. Данный факт был оформлен в соответствии с законом, возбуждено уголовное дело по ч. 1 ст. 276 УК Республики Узбекистан.

Работа в данном направлении продолжается. Есть уверенность в том, что стараниями кинологов и их питомцев у наркоторговцев не останется никаких шансов на успех.

**Сергей ЛИ,**
**подполковник.**
**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ОХРАННЫЙ ОРДЕР

# ВРЕМЯ МОЛЧАТЬ ПРОШЛО

**В Булакбашинский РОВД с заявлением обратилась жительница одной из махаллей, Н. Нозима, 1979 года рождения, мать троих несовершеннолетних детей. Заявительница сообщала, что супруг, Н. Нодир, часто бьет ее. На основании заявления была проведена проверка, в ходе которой подтвердились факты избиения. Женщине был выдан охранный ордер.**



– Охранный ордер – документ, предоставляющий государственную защиту жертве притеснения и насилия, влекущий применение мер воздействия к лицу или группе лиц, притесняющих женщин или совершивших в отношении них насилие, – рассказывает заместитель начальника Управления профилактики правонарушений УВД Андижанской области, начальник отдела по вопросам женщин подполковник Гульнора Абдувохидова. – Охранный ордер выдается территориальным инспектором профилактики. Основание – обращение жертвы притеснения и насилия; сообщения физических или юридических лиц; непосредственное выявление сотрудниками уполномоченных органов и организаций случаев совершения или попытки совершения притеснения или насилия; материалы государственных органов и других организаций. Персональные данные лиц, сообщивших о притеснении и насилии, а также пострадавших женщин, охраняются в установленном законом порядке. Инспектора профилактики в течение 24 часов рассматривают обращения и сообщения, поступившие от дежурных подразделений, проводят беседы с жертвой, лицами, совершившими насилие и, другими гражданами, тщательно изучают образ жизни потерпевшей и того, кто совершил насилие, анализируют причины и предпосылки возникновения данной ситуации.

В процессе осуществляются меры по реабилитации и социальной адаптации жертв и лиц, совершивших насилие. Территориальный инспектор профилактики по итогам изучения обращений и сообщений оформляет охранный ордер. При выявлении признаков преступления, предусмотренного Уголовным кодексом, одновременно с рассмотрением вопроса о выдаче охранного ордера он направляет материалы дела в соответствующий правоохранительный орган для решения вопроса о привлечении к уголовной ответственности.

Охранный ордер состоит из трех частей. Первая – выдается потерпевшей, вторая – лицам, совершившим насилие, третья – остается у инспектора профилактики. Срок действия охранного ордера – до 30 дней. При необходимости его продлевают еще на 30 дней.

Охранным ордером устанавливаются определенные ограничения. Это запрет на совершение притеснения и насилия, на пребывание сторон в одной комнате, а также запрет или ограничение права насильника на хранение и ношение оружия.

За последнее время 49 жительниц Андижанской области получили охранные ордера. К примеру, в областном центре – 9, Булакбашинском районе – 6, Алтынкульском районе – 4 человека.

Зачастую жертвы боятся громко заявить о совершенном в их отношении насилии. Причин тому много: от веры в собственную вину до страха, что тебе не поверят, и даже осудят. Они могут стыдиться случившегося либо опасаться за жизнь свою или близких им людей.

Женщины, столкнувшиеся с насилием в браке, могут не заявлять о нем и терпеть годами из-за того, что им некуда идти, они не смогут обеспечить своих детей. Лишь 10–20 процентов подвергшихся насилию обращаются за помощью.

Насилие не имеет национальности. Это проблема не только нашей страны или региона. Это то, с чем женщины сталкивались всегда и везде.

Если вокруг вас есть лица, которые подвергаются насилию, пожалуйста, не будьте безразличны. Время молчать прошло.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Андижанская область.*

МОНОЛОГ МАТЕРИ

За законность и правопорядок !
На посту
ИЗДАТЕЛЬ–КОЛЛЕГИЯ МВД УЗБЕКСКОЙ ССР




# НЕ ОБ ЭТОМ Я МЕЧТАЛА, СЫНОК

**Когда ты появился в нашей семье, мы были от радости на седьмом небе, гордились тем, что родился сын. Особенно гордился отец, как самой большой драгоценностью, счастье его было безмерным. Радовались и мы, и все радовались за нас, нам было приятно это осознавать.**

Проходили дни, месяцы. Ты рос, не зная нужды, не зная печали. Хотя ты родился в обыкновенной дехканской семье, мы так хотели, чтобы ты занимался наукой, стал большим ученым. Нас радовали твои успехи в школе, учителя говорили о тебе, что ты немного ленив, но стоит чуть-чуть постараться, и все получится.

Все свои надежды мы связывали с тобой. И вот ты окончил школу. Мы хотели, чтобы ты был рядом, вел хозяйство, помогая нам, родителям. Для этого решили женить тебя. И ты, действительно, старался стать поддержкой родителям.

Так хотел жить не хуже других: вкусно есть, хорошо одеваться. Хотел работу по душе, и чтобы был хороший заработок.

Ты сказал: папа, мама, у вас появились внуки, которых нужно кормить, одевать, поеду я в Ташкент зарабатывать, буду присылать и вам, и детям.

Мы не хотели, чтобы ты уезжал, но дали согласие. Пожелали и тебе, там, вдали от нас, помнить, что не было у нас в роду воров, ни других, кто занимался бы неправедным делом, шел неверной дорогой. Благословили тебя.

В нашем благословенном «городе цветов» стали распространяться тревожные слухи: то тут, то там совершалось то одно, то другое преступление. Мы поражались, слыша о новых и новых преступлениях, стыла кровь от ужаса. Радовались, что наш сын в Ташкенте, далеко и не окажется среди них.

А в один из дней пришли к нам сотрудники органов внутренних дел, искали тебя. Наши чаяния на то, что сын наш умный, не оправдались. Твой отец очень сильно страдал от этого. Он, кто так на тебя надеялся, все время повторял: – «Неужели мы этого ждали от тебя, сынок?», – не вынес таких страданий, умер от переживаний. Хоронил его не ты, кого он носил младенцем на руках. Другие люди проводили в последний путь. А я, твоя мать, как оказалось, взрастила хищника, а не ребенка, и до сих пор жива. Жива, а не живу. С того дня, как пришла повестка из суда.

Поехала искать тебя. Прошла через многое, незнакомое, с чем ранее не сталкивалась. Нашла тебя, вот ты передо мной сидишь. За железным ограждением. Меня завели, усадили перед тобой, а ты только один раз мельком взглянул в мою сторону.



Государственному обвинителю, когда он перечислял проделанное всеми вами, не хватило целого дня. И хотя на меня никто не оглядывался, стыдилась поднять голову и готова была провалиться сквозь землю. И оставалось мне только плакать, что же ты натворил, сыночек? Неужели у тебя не хватало на хлеб? Ведь и дети были сыты, обуты, одеты. И все так в семье жили, не хуже других. Но ты, прикрываясь заботой о нас, прикрываясь религией, пошел на преступления. Сидя год в «железной клетке», ты хотя бы представил, что и сколько ты натворил?!

Ты, конечно, за свои преступления против Родины, общества получил по заслугам, и, может, не пропадешь. Но я, которая девять месяцев носила камень под сердцем, родила и воспитала тебя такого, как я могу все это пережить? Кто мне простит твои грехи, сыночек?

Когда ты выйдешь из заключения, мое истерзанное сердце уже остановится, и чужие люди проводят меня в последний путь.

Но в чем виноваты твои дети, которых ты породил? На их вопросы, когда приедет домой отец, почему он в заключении, твоя постаревшая до поры жена ответить не сможет. И как им жить с таким клеймом? Сейчас ты сознаешься в том, что совершил, ждешь прощения, прикрываясь тем, что у тебя престарелые родители, маленькие дети. Почему же ты не вспомнил о нас раньше, не поступил по уму? Отца раньше времени довел до могилы, а теперь прикрываешься престарелой матерью и детьми. Мы не так воспитывали тебя, сынок, всегда стараясь выполнять все, что ты просил, прислушиваясь к каждому твоему слову, которое было для нас законом.

Мы заблуждались, веря, когда ты сказал, что уезжаешь хорошо заработать, чтобы нам всем было хорошо. Поверив тебе, мы сильно ошиблись.

Подними голову, сынок, посмотри на меня, дай своей матери еще раз заглянуть в твои грешные глаза. Последний раз, когда ты вернешься, меня уже наверняка не будет, как и твоего отца.

У меня не будет желания увидеть тебя в тот момент. А будет желание произнести твое имя и проклясть тебя за все тобою содеянное. Неужели этого я ожидала в жизни, сынок?!

**Материнские страдания записала Х. ОДИЛОВА. Газета «На посту» № 62-65, 1998 г.**

ВАШ ДОМ

# ОПАСНОЕ МЕСТО – КУХНЯ

**Не удивляйтесь. Ваша уютная кухня является одним из самых опасных мест в доме. В больницах регистрируется немалое количество несчастных случаев, связанных с травмами и отравлениями на кухне.**

В первую очередь обратите внимание на ножи. Лучше иметь зубчатые ножи. Они менее опасны.

Постарайтесь не включать в одну розетку несколько электрических приборов, иначе может произойти короткое замыкание или даже пожар.

Ваш холодильник – еще не панацея от порчи продуктов. Конечно, следует убирать в холодильник оставшиеся несъеденными блюда, так как в пище при комнатной



температуре уже через два часа могут появиться и размножиться болезнетворные микробы. Мясо, заправленное маринадом, держите только в холодильнике. Очень часто в таких блюдах, а также в консервированных продуктах, проявляются спорообразующие бактерии ботулизма, которые вызывают острые отравления и кишечные инфекции. Для того, чтобы избежать этого, перед употреблением лучше прокипятить маринад пару минут. Пресекайте всякую возможность заражения продуктов болезнетворными бактериями, включая заражение коварной сальмонеллой, которые могут находиться в сыром мясе, птице, рыбе. Прежде всего тщательно мойте руки после обработки этих сырых продуктов и обеззараживайте ножи, доски, на которых они разделывались, посуду, в которой они хранились. Заведите несколько разделочных досок. Одну – для сырого мяса и птицы, другую – для рыбы, третью – для овощей, на четвертой режьте хлеб.

Выбросьте кастрюли с отбитой эмалью во избежание всяческих кишечных травм.

Маленькие дети и кухня – разговор особый. Кастрюли, ножи, вилки, чайники, ручки плиты не должны находиться в поле досягаемости маленького ребенка. Оставлять без присмотра малыша на кухне нельзя ни на одну секунду.

Словом, на своей любимой кухне будьте всегда начеку, всегда внимательны и не суетитесь. Спешка и суета являются причинами многих несчастий.

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ТОМОРҚАНИ ОҒУХОНАГА АЙЛАНТИРГАНЛАР

**Жорий йилнинг 13 май куни Андижон ва Бухоро вилоятларида Миллий гвардия Қўриқлаш бошқармаси ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида бир неча шахснинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.**

Андижон вилояти Олтинкўл тумани Орс маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Қ.нинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда, гуллар ва маккажўхорилар орасида 141 дона бошоғи бўлган 48 туп кўкнор ҳамда 21 туп наша ўсимликлари парвариш қилиб келинаётганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, 2050 грамм кўкнор, 95 грамм наша ўсимлигини қуритиб сақланаётганлиги аниқланди. Шунингдек, «шоввоз» 2,4 грамм нашани газета қоғозига ўраб, чекиш учун тайёрлаб қўйган экан. Захри қотилнинг барчаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Андижон вилояти Балиқчи тумани Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи фуқаро С.К.нинг хонадони кўздан кечирилганда эса, томорқасидаги экинлар орасида тўққиз туп кўкнор ўсимлиги парвариш қилаётганлиги аниқланган.

Бухоро вилояти Пешкў тумани «Садир» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ф.Р.нинг қилмиши ҳаммасидан ўтиб тушди. У томорқасида 96 туп тақиқланган кўкнор гиёҳвандлик ўсимлигини етиштираётгани фош қилинди. Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан туманлар ИИБлари томонидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.









**Айни кунларда Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси шахсий таркиби ички ишлар органлари ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб ҳал этиш бўйича самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоятдаги ҳар бир маҳаллада шу мақсадда профилактика инспекторлари билан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари биргаликда иш олиб бормоқдалар.**

# МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Шунингдек, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигининг қўшма қарорига мувофиқ Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси аёл ҳарбий хизматчилари учун жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб ҳал этиш, аҳоли билан профилактик ишларни олиб боришдаги малакасини ошириш бўйича ўқув семинар машғулоти ўтказилди.

Машғулот давомида, мутахассислар, энг аввало, оила осойишталиги, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда маҳалла фаолларининг таъсирини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз маърузаларида таъкидладилар. Бу жараёнда





оилалардаги муаммоларни ўрганиш, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни бандлигини таъминлаш кераклиги тушунтирилди.

Ўқув машғулотларда олинган билимлар амалиётда мустаҳкамланиб, аҳоли билан бевосита мулоқотда иш фаолиятини олиб бориш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, масъуллар томонидан маҳаллалардаги фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот ишлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир суҳбатлар ўтказилмоқда.

## БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР СИНОВИ

Ҳудудларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда кинология хизматидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Сурхондарё вилоятида Миллий гвардия ва Ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида тизимдаги кинолог мутахассисларнинг касб маҳоратларини янада ошириш ва хизмат итларини махсус йўналишларга тайёрлаш мақсадида амалий ўқув машғулот ташкил этилди. Унда шахсий таркибнинг мазкур йўналишдаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

## ТАШАККУРНОМАЛАР ВА ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳарбий хизматчилари томонидан Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур, Юнусобод, Олмазор, Чилонзор ҳамда Учтепа туманларида жойлашган кўчалар, бозорлар, кўп қаватли уйлар атрофлари ва бошқа жойларда тождор вирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида дезинфекция ишлари олиб борилди. Яқинда Ёшлар иттифоқи масъул шахслари билан биргаликда дезинфекция ишларини олиб бораётган фидойи муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскарларимизни Олмазор туманида тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Унда муддатли ҳарбий хизматчиларимизга ташаккурномалар ва шахсий ҳимоя воситалари топширилди.

Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА тайёрлади.

НОВШЕСТВО

# Решают проблемы общими усилиями

**Инспектора по вопросам женщин впервые совместно с женщинами-военнослужащими Национальной гвардии приходят на помощь жителям столицы. Это новшество было введено по инициативе отдела по вопросам женщин УПП ГУВД г. Ташкента.**



Отправной точкой данного направления деятельности послужило принятие ГУВД г. Ташкента, столичными управлениями Национальной гвардии и по поддержке махалли и семьи совместного постановления «О внедрении новой системы сдерживания преступности в махаллях, имеющих тяжелую криминогенную обстановку». На основании данного документа ГУВД г. Ташкента в содружестве с заинтересованными ведомствами разработали общую программу по осуществлению мероприятий по профилактике правонарушений и преступлений среди женщин на 2020 год. В соответствии с ней с 16 мая текущего года к инспекторам по вопросам женщин, несущим службу в районах с тяжелой криминогенной обстановкой, были прикреплены 36 женщин-военнослужащих Национальной гвардии.

Они общими усилиями стараются предупреждать правонарушения и преступления, которые могут совершить женщины, посещают и проводят профилактические беседы с семьями, где систематически происходят конфликты между родственниками. Надо отметить, что все женщины-военнослужащие являются мастерами спорта, хорошо владеют приемами рукопашного боя, что немаловажно. Если будет нужно, они с легкостью смогут усмирить семейного дебошира.

Сотрудники также проводят профилактические мероприятия с теми, кто негативно влияет на воспитание детей, ранее судимыми, лицами, состоящими на учете в группе пробации, употребляющими наркотики и спиртные напитки, имеющими психические расстройства.

В период борьбы с коронавирусом инспектора по вопросам женщин и женщины-военнослужащие Национальной гвардии наряду со своими прямыми обязанностями регулярно обходят вверенную территорию, разъясняют жителям серьезность ситуации, выявляют случаи несоблюдения правил карантина.

Данное новшество уже дает свои положительные результаты.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА, корреспондент «На посту».**

ОСТАВАЙТЕСЬ ДОМА!

# Праздник милосердия и доброты



Азиза **БОХОДИРОВА,** лейтенант.

**Издревле считается, что священный Рамазан – это месяц великодушия, милосердия и добра, время, когда забываются все обиды и печали. В Рамазан принято навещать аксакалов, одиноких и больных людей, помогать нуждающимся, сиротам, щедро делиться своим душевным теплом, проявлять благородство.**



Рамазан-хаит символизирует завершение священного поста, который длится 30 дней и считается обрядом духовного и морального очищения. На протяжении этого срока последователи ислама воздерживаются от приема пищи и напитков в дневное время, их помыслы должны быть чистыми, а дела – благими. Соблюдая пост, человек воспитывает в себе милосердие и доброту, терпение и умеренность, волю и целеустремленность.

В нашей республике создаются достойные условия для проведения национальных и религиозных праздников, воспитывающих уважение к народным традициям и любовь к Родине. Празднование Рамазан-хаита стало поистине всенародным, сплотило всех жителей страны, независимо от национальности и вероисповедания.

Но, к сожалению, из-за распространения коронавирусной инфекции в этом году многие вековые традиции пришлось пересмотреть. Священному месяцу суждено пройти в необычных условиях карантина и жестких ограничений.

Не было коллективных молитв и уединения в мечети, так как мечети были временно закрыты. Были отменены специальные вечерние молитвы (таравих). Во многих странах верующих призвали избегать больших собраний, а принимать пищу в дозволенное время индивидуально или дома с семьей. Запрещены все массовые мероприятия, включая групповые ифтары и благотворительные столы. Рекомендовано не посещать родственников.

В этом году священный месяц завершается вечером 23 мая. Мусульманам впервые за много лет предписано оставаться дома и не собираться на традиционные семейные праздники, чтобы не допустить новой вспышки COVID-19. Даже традиционные массовые молитвы в честь окончания священного месяца Рамазан будут отменены, а мечети останутся закрытыми. Массовые собрания, рукопожатия и объятия – также под запретом. Верующим предписано молиться дома, в кругу семьи.

В эти дни, как никогда, жителей страны просят проявлять предельную ответственность и осторожность, воздержаться, как бы этого ни хотелось, от посещений близких людей, необязательных поездок. Страна только начала грамотно, поэтапно, соблюдая все ограничения, возвращаться в нормальную жизнь, нельзя допустить срыва. Мы же не хотим, чтобы вся республика стала красной зоной? В борьбе с коронавирусом необходимо быть стойкими и терпеливыми.

Мы должны помнить, что самое дорогое – это здоровье и безопасность. Сейчас мы чувствуем это особенно остро, переживаем за семьи, родственников, друзей, стремимся уберечь их от беды.

Поэтому всем жителям страны во время празднования Рамазан-хаита следует соблюдать режим самоизоляции: отказаться от поездок в другие регионы (кстати, некоторые закрыты); избегать посещений мест массового скопления людей; отложить до лучших времен встречи с друзьями и родными, не подвергая их риску. Поздравьте близких по телефону, свяжитесь с ними по интернету, спишитесь в соцсетях.

Праздник – не повод расслабляться. Продолжайте носить маски и перчатки, когда выходите из дома. В общественных местах соблюдайте дистанцию в 1,5–2 метра. Проветривайте дом, проводите уборку с применением дезинфицирующих средств.

Помните: при появлении первых симптомов инфекционного заболевания (повышение температуры тела, респираторные признаки, одышка или явления расстройства кишечника) необходимо немедленно обратиться за медицинской помощью и изолироваться от родных.

Почти в каждой семье есть представители старшего поколения, которых мы должны беречь. Ради них оставайтесь дома.

Мы уверены, совсем скоро все пройдет, и наши граждане смогут вернуться к обычной жизни и отмечать праздники. То, как быстро настанет это время, зависит в том числе и от ответственности каждого из нас.

РЕПОРТАЖ




**Тошкент шаҳрида жорий йил бошидан ҳозирга қадар 245 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78 тага, жароҳат олганлар 63 тага, ҳалок бўлганлар сони эса 4 нафарга камайган. Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 тага, жароҳат олганлар эса 13 тага камайишга эришилди.**



# ҚОИДАБУЗАРЛАР ҲАМОН УЧРАБ ТУРИБДИ

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилиниб, бунинг натижасида ўтган тўрт ой мобайнида 192850 та умумий қоидабузарликлар аниқланди. Шундан 36154 таси қўпол турдаги, 12083 таси одам ташиш билан боғлиқ, 921 таси маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, 25 таси тезликни ошириш, 7265 таси қувиб ўтиш ҳамда 3173 таси телефондан фойдаланиш натижасида содир этилган.

– Йўл-транспорт ҳодисалари ер юзининг барча ҳудудларида инсонлар ҳаётига хавф солувчи омиллардан бири бўлиб келган, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ Матбуот хизмати бошлиғи, майор Қаҳрамон Худойберганов. – Бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш эса, ҳар биримизнинг ўз қўлимиздадир.

Аммо шунча қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига эътиборсизлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Хизмат юзасидан шаҳримизнинг бир нечта кўчаларида бўлганимизда ҳам бунинг яққол тасдиғини кўрдик. Жумладан, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Шота Руставели кўчасида хизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2-батальон 6-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспектори, кичик сержант Жавоҳир Ҳамиджонов давлат рақам белгиси 01G 167 HB бўлган «Damas» русумли автомашинани тўхтатиб, унинг ҳужжатлари ва карантин қоидаларига қанчалик амал қилаётганлигини текширди. Шунда ҳайдовчи Жаҳонгир Маҳкамовда транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси йўқлиги аниқланди. Шундан сўнг ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддасига биноан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдончасидан жой олди.

Эндигина бошқа ҳудудга йўл олмоқчи бўлиб турганимизда ушбу кўчада жойлашган 160-мактаб яқинидаги бир ҳолат эътиборимизни тортди. Шу ҳудудда истиқомат қилувчи Муҳаммадносир Азизов ўзининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01 N 598 VA бўлган «Matiz» русумли автомашинасини йўл четидаги ариқча устига ўрнатилган кўприкдан уйи томон бурди. Бироқ ўтаётган пайтда шошилганлиги сабабли машинаси ана шу ариқчага тушиб кетди. Бунга кўзи тушган мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2-батальон 6-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Даврон Якубов шу ердан ўтаётган бир нечта фуқарога илтимос қилиб, ўзи бошчилигида ушбу автомобилни ариқчадан чиқариб қўйди. Муаммодан халос бўлган транспорт воситасининг эгаси уларга миннатдорлик билдирди.

Кейинги манзилимиз пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Меҳр кўчалари кесишган чорраҳа бўлди. Мазкур ҳудудда ҳаракатланаётган автомобилларга назар солар эканмиз, шу пайт у ерда хизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 4-батальон 1-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Қаҳрамон Султоновнинг чалган ҳуштаги диққатимизни тортди. У давлат рақам белгиси 01 361 UDA бўлган «Lacetti» автомашинасига тўхташ ҳақида ишора қилди. Ҳайдовчи Анваржон Фозиловнинг хавфсизлик камарини тақмасдан транспорт воситасини бошқариб келаётганлигини кўрган осойишталик посбони уни тўхтатиб, йўл ҳаракати қоидаларининг 9-бандини бажармаганлиги учун унга нисбатан баённома расмийлаштирди.





Туманнинг Қатортол кўчасида карантин даврида белгиланган қоидаларни бузиб автомашина бошқариб келаётган Ғаффор Жуманов ҳам шу ерда хизмат олиб бораётган мазкур гуруҳ ЙПХ инспектори, кичик сержант Алибек Узоқов томонидан тўхтатилди. Давлат рақам белгиси 10 F 188 QA бўлган «Lacetti» русумли ушбу автомашина эгасига нисбатан санитария-эпидемиология маркази ходимлари томонидан баённома расмийлаштирилиб, автоулов вақтинчалик жарима майдончасига қўйилди.

Шундан сўнг «Эркин» ЙПХ масканида бўлиб, ҳозирги пандемия шароитида у ерда олиб борилаётган хизмат жараёни билан яқиндан танишдик.

– Бугунги кунда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Транспорт вазирликлари, Миллий гвардия ва Санитария-эпидемиология хизмати вакилларидан иборат жами 30 нафар ходим фаолият олиб бормоқда, – деди биз билан суҳбатда мазкур пост бошлиғи, подполковник Жамшид Умаров. – Улар ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда шаҳримизга кириб келаётган транспорт воситалари эгаларининг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишларини назорат қилади.

– Йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи, йўналишсиз таксиларнинг фаолиятини мунтазам равишда текшираяпмиз, – деди Тошкент шаҳар Транспорт бошқармаси бош инспектори Набижон Ҳамроев.

Шу куни бу ерда карантин қоидаларини бузган жами 7 нафар қоидабузар аниқланди. Улардан 6 нафари ниқобсиз, 1 нафари эса куннинг белгиланмаган қисмида махсус рухсатномага эга бўлмай туриб, транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчилардир.

Сўнг пойтахтимиздаги «Наққошлик» номли вақтинчалик жарима майдончасига йўл олиб, қонун ҳужжатларини бузганлик учун ушланган транспорт воситаларининг сақланиш ҳолати билан қизиқдик.

– Етарлича шароитга эга бўлган 150 та автомобилга мўлжалланган ушбу жарима майдончасидан ҳозирги кунда 120 та автотранспорт воситаси жой олган, – деди бу ерда хизмат олиб бораётган шаҳар ИИББ ЙҲХБ 4-батальон 2-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспектори, кичик сержант Нармон Ҳамроев.

Қоидани бузган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилмоқда. Энг муҳими эса, мазкур ҳолатлар бўйича ҳайдовчиларнинг ҳеч қандай эътирозига ўрин қолмаяпти. Чунки махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари барча жараёнларни тасвирга олаяпти. Бундан ташқари, соҳа ходимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларга ўз вақтида юборилмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси бўйича ҳар йили «Яшил чироқ», «Диққат, пиёда!», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» каби тадбирлар ўтказилиб келинади. Шунингдек, «Тарғибот-ташвиқот карвони» тадбирида тез ёрдам машинаси, тарғибот автобуси ва патруль автомобилларидан иборат колонна ва эвакуатор йўл-транспорт ҳодисаси натижасида зарарланган автомобиль билан шаҳримизнинг аҳоли гавжум жойларидан ўтиб, барча фуқароларни йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишга ҳамда болаларни ушбу кўнгилсизликлардан асраб-авайлашга чорламоқда.

Зеро, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш – инсон хавфсизлигининг гаровидир.



**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**

ОРАМИЗДАГИ ФИДОЙИЛАР

# ҲАММАСИ ОРТДА ҚОЛАДИ

Бугун коронавирус хавф солмаган минтақа қолмади, ҳисоб. Қайсидир давлатда унга қарши ўз вақтида тизимли кураш олиб борилаётгани боис вазият енгиллашаётган бўлса, айрим мамлакатларда етарли тиббий хизматнинг мавжуд эмаслиги, шароитнинг йўқлиги ёки хавфнинг ўз вақтида тўлиқ англаб етилмаганлиги оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда кундан-кунга коронавирус пандемияси чекинаётганини, хасталикдан тузалганлар сони ошиб, касалланганлар камайиб бораётганини кўриш мумкин. Бундай ижобий натижага эришишимизда, шубҳасиз, қайноқ нуқталарда фаолият кўрсатаётган, касалланган ва карантинда бўлганлар билан мулоқотда бўлаётган, ҳар куни, ҳар дақиқада ҳаётини хавф остига қўяётган тиббиёт ходимларининг хизмати катта бўлмоқда, десак, янгилишмаган бўламиз.

ИИВ Тиббиёт бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» санаторийсида ҳам маълум муддат карантинга олинганларни назорат қилган ички ишлар органлари ходимлари 14 кун изоляция қилинган. Уларнинг соғ-омон уйига, хизматга қайтиши учун шифокор ва ҳамширалар ҳамда санаторийнинг кўплаб ишчи-ходимлари туну кун хизматда.

**Капитан Шерзод Мирзаев, кардиология бўлими катта кардиолог шифокори:**



– 2 майдан буён шу ердаман. Нолимайман. Мана шундай қийин ва синовли кунларда хизматимиз орқали фойдамиз тегаётганидан мамнунмиз. Изоляцияга олинганлар билан бир оила аъзоларидек бўлиб кетдик. Лекин улар билан тўлиқ ҳимояланган, гигиена талабларига риоя қилган ҳолда мулоқот қилишга мажбурмиз. Негаки, бу касаллик карантиннинг охирги куни ҳам бўй кўрсатиши мумкин.

Яқинларимиз билан телефон орқали мулоқот қилиб турган бўлсак-да, барибир фарзандларингизнинг дийдорига тўйиш бошқача. Беш ёшли ўғлим Амирбек «Қачон келасиз, дада? Сизни соғиндим» деса, унинг олдига қанот чиқариб учиб боргим келади. Бироз гаплашганимиздан кейин вазиятни тушунгандек бўлиб, «Дада, сиз Ватан учун хизмат қиляпсиз, онам билан синглимни келгунингизча ўзим ҳимоя қиламан», дейди.

**«Дада, сиз Ватан учун хизмат қиляпсиз, онам билан синглимни келгунингизча ўзим ҳимоя қиламан»**

**Сафдор Шаҳноза Эргашева, ҳамшира:**



– Бу менинг иккинчи марта 14 кунлик сменага тушишим. Бошида ҳар куни ниқоб, қўлқоп, кўзойнак ва ҳимоя кийимларида юришга кўникишим анча қийин кечди. Терлаб димиқиб кетиш, ноқулайлик... Лекин шунга мажбурмиз. Бизнинг биргина хатомиз касаллик тарқаб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Олдинлари уйдан, яқинларимдан бунчалик узоқ муддатга айро бўлмаганман. Баъзан ота-онам койишса, тергашса ёқмасди. Энди ўша тергашларининиям қўмсаяпман. Уларни жуда соғиндим, қадрига етдим. Онам «Яхшимисан, овқат едингми, ҳимоя кийимини ечма, ўзингга эҳтиёт бўл», деб кўп такрорлайдилар. Хўп-хўп дейман-у, уларнинг олдида бўлиб қолгим, онамни қучиб олгим келади.

**Капитан Азиз Ҳамидуллаев, хўжалик ва таъминот хизмати овқат ва таъминот бўлинмаси бошлиғи:**

– Ҳамма шароит яратилган, камчиликлар бўлмаса-да, карантинга олинганлар уйига тезроқ боришни, яқинлари билан дийдорлашишни хоҳлайди. Шунинг учун уларни зериктирмасликка, вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қиламиз. Мен ҳам оиламни, айниқса, фарзандларим – Козимжон ва Иззатиллони жуда соғиндим. Ҳар куни телефон орқали гаплашиб, 7 ёшли Козимжоннинг дарсларини қилаётгани билан қизиқаман, онангга ёрдам бер, дейман. Кичиги 4 ёшли Иззатилло эса «Дада, менга нима олиб келасиз?» дейди нуқул. Насиб қилса, ҳаммаси ортда қолади.

— Маълум муддат хориждан келган, карантинга олинганларни назорат қилгандик. Ҳозир ўзимиз 14 кунлик карантиндамиз, – **дейди ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари бош бошқармасига қарашли 7220-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Жасур Маматқулов.** — Насиб қилса, муддат ҳам тугай деб қолди. Яна оиламиз бағрига, хизматга қайтамиз. Яқинларимиздек бўлиб қолган барча тиббиёт ходимлари, шифокору ҳамшираларга миннатдорлигимни билдираман.

Карантин бошлангундан то ҳозирги кунга қадар «Ўзбекистон» санаторийси ўз бағрига коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва карантин тадбирларига жалб этилган 334 нафар ички ишлар органлари ходимини қабул қилди. 14 кунлик изоляцияга олинган ҳар бир ходимга санаторийда етарли шароит яратилди. Ўзларининг, барча яқинларининг бахтига ходимлардан ҳеч бирида бу касаллик бўй кўрсатмади.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# ЖАСУР ВА ВАТАНПАРВАР ИНСОНЛАР

90
1930-2020 йиллар




Пойтахтимизнинг турли масканларида бўлиб, газетамизнинг мазмун-мундарижаси, осойишталик посбонларининг фаолияти ҳақида одамлар билан суҳбатлашдик. Улар орасида турфа соҳа вакиллари бор эди. Жумладан, Олмазор тумани тез тиббий ёрдам хизмати кўчма бригадаси шифокори Гулнора Ғозиева тўлқинланиб шундай деди:

– Ички ишлар органларида оловқалб, Ватан осойишталигини ўз ҳаётидан-да устун қўядиган жасур ва фидойи инсонлар хизмат қилади. Улар қаҳратон қишда ҳам, жазирама ёзда ҳам, шаҳару қишлоқда ҳам, тоғу даштда ҳам, хуллас, ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳамма жойда ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришади. Бу чинакамига ватанпарварлик, фидойилик эмасми?! «POSTDA-НА ПОСТУ» газетаси мана шундай савобли касб эгаларининг машаққатли хизматини элга кўрсатиб келяпти. Биз, шифокорлар Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти жамоасининг бу йўлдаги фаолиятида улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз. «POSTDA-НА ПОСТУ» газетасининг 90 ёшлик юбилейи муборак бўлсин!

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**Муаллиф олган сурат.**

Postda На посту

СОВЕТ ДА ЛЮБОВЬ

# Делайте сюрпризы



**Казалось бы, так просто произнести три заветных слова. Но далеко не каждый умеет сделать это так, чтобы они дошли до самого сердца.**

Знаки любви не должны ограничиваться одним или двумя днями в году – 8 Марта и в день рождения. Необходимо постоянно подтверждать свои чувства. Мысль о том, что любимый всегда с тобой, поддерживает весь день, вечер, делает счастливой. Иногда самыми ценными выражениями любви становятся простые вещи: букетик полевых цветов, нежный взгляд, улыбка.



Проявлением чувств может стать выполнение обычной домашней работы – выбить ковры, помыть полы, развесить чистое белье. Отправляя мужа на работу, вы можете вложить в его карман записочку с нежными словами, а он, в свою очередь, незаметно положить в вашу сумочку ваш любимый шоколад.

Делайте друг другу приятные сюрпризы. Хотя бы раз в две недели откажитесь от общения с друзьями и просто проведите день, наслаждаясь обществом вдвоем. Останьтесь дома, пересмотрите старые альбомы, вспомните веселые и грустные семейные истории или прогуляйтесь по парку. Можно предварительно отвезти детей к бабушке и устроить себе романтические выходные.

Не забывайте внимательно слушать вторую половинку, успокаивать и подбадривать, тогда ваша семейная жизнь будет счастливой.

# Будьте женой, а не мамой



Мы ищем для мужа ключи, убираем разбросанные им вещи, поправляем галстук, иной раз даже причесываем волосы. Мило уговариваем поесть (прямо как настоящая мама, кормящая ребенка): «Дорогой, будешь суп, а котлетки? Хочешь, приготовлю тебе блинчики?»

Почему некоторые из нас ведут себя с мужьями, как с детьми? Тому есть несколько объяснений. Во-первых, женщин почти с пеленок готовят к материнству. Наблюдая, как за ней ухаживает мать, девочка учится тому же. Если же мама подобным образом относится к отцу, дочь начинает думать, что именно так жена должна вести себя с мужем, тогда муж превращается в еще одного ребенка. Но после появляются проблемы, он становится пассивным, а она – раздраженной.

Иные обращаются с мужчинами подобным образом, чтобы стать для них незаменимыми. «Пусть будет ленивым, забывчивым, зато постоянно будет нуждаться во мне и никогда не бросит», – решают они. И даже если муж чувствует себя любимым именно благодаря такому обращению (особенно если в детстве недополучил заботы), со временем он начнет испытывать раздражение.

Когда мужчина перестает себя уважать, он начинает мстить такой жене за утраченное чувство собственного достоинства.



ОТОВСЮДУ

# Мерседес было 9 лет...

**Не все знают, что автомобиль «Мерседес» так назван по имени дочери австрийского предпринимателя Еллинека. В 1893 году, когда девочке было 9 лет, ее отец принял участие в автомобильном турне по югу Франции. Тогда-то он своей машине и присвоил имя любимой дочери.**



Любопытно: благодаря женщине автомобиль получил и номерной знак. Первый номер – «ИА 1» – установил на своем автомобиле в 1901 году германский бизнесмен Рудольф Герцог.

– Буквы И и А, – поведал он позднее репортерам, – инициалы моей невесты Иоганны Анкер. Теперь она моя супруга. А что касается единицы, то этим я хотел еще сильнее выразить мое чувство к Иоганне: она у меня первая и единственная.

Известна и первая нарушительница правил дорожного движения. Ею стала парижская княгиня д'Юзек. Приведем выдержку из приговора суда: «В Булонском лесу мадам д'Юзек ехала на автомобиле со скоростью 13 километров в час, что могло вызвать серьезное дорожное происшествие…»

# ГАИ, ГАИ – моя звезда

Полицейский склонился над дамой, распростершейся на асфальте у тротуара, и спросил:

– Мадам, вам плохо? Вызвать «скорую помощь»?

– Нет-нет, спасибо! Я прекрасно чувствую себя. Просто я заняла место, чтобы муж смог припарковать машину.

* * *

На улице со слабым движением машина сбила очень тучную женщину. Пострадавшая обращается с претензией к водителю.

– Вы не могли меня объехать?

– Я не был уверен, хватит ли у меня для этого бензина.

* * *

Грохот на улице. Из окна выглядывает мужчина и видит окровавленного водителя грузовика.

– Что случилось?

– Да вот, в переулок хотел въехать!

– А почему грохот такой?

– Да не было там переулка.

* * *

– Объясните, каким образом вы сбили этого прохожего, – спрашивает полицейский.

– Я не сбивал его! Я остановился, чтобы дать ему пройти, а он от удивления упал в обморок.

* * *

Пешехода сбила машина. На суде он потребовал возмещения в пятьдесят тысяч франков.

– Вы, очевидно, думаете, что я полицейский? – возмущенно запротестовал владелец машины.

– А вы, наверное, считаете меня сороконожкой? – в свою очередь возмутился жертва уличного движения.

* * *

Улицу переходит музыкант. Вдруг из-за угла выскакивает автомобиль и сбивает беднягу с ног. Не останавливаясь, мчит дальше.

– Вы не припомните номер машины? – спрашивает позже потерпевшего служащий дорожной инспекции.

– Номера – нет, но помню, что сирена была настроена на си-бемоль-минор.

**Газета «На посту» №№66–69, 1998 г.**



# Детская страничка

## Карантин




Я живу у бабушки с дедушкой уже два месяца, потому что в нашем детском саду поселился Карантин. Кто это – мы с ребятами не успели узнать, так как встревоженные родители перестали нас туда водить.

– Мама, а кто он такой – Карантин? – спросил я маму, когда мы ехали в гости к бабушке. Мне казалось, что это какой-то сказочный великан.

– Как тебе объяснить? Ну, это время, когда никто не может находиться в помещении.

– А-а, ясно-о, а почему?

– Потому что опасно для здоровья. Можно заболеть.

– А он долго будет жить в нашем садике?

– Думаю, месяц, может, два. Не больше. Ты не переживай. Пока у дедушки с бабушкой поживёшь. Они уже сильно соскучились по тебе, – мама надавила своим пальчиком мне на нос, и я засмеялся. Мне объяснили, что папе с мамой нужно каждый день ходить на работу и со мной просто некому сидеть. Пришлось взять с собой сменные вещи, книжки, игрушки. А ещё лупу, которую мне папа подарил. Я представлял себя сыщиком и с ней не расставался. Оказалось, очень интересно изучать через лупу различные следы насекомых, разглядывать паутины и книжки читать.

В квартире у дедушки с бабушкой для меня, как сыщика, был простор. Ещё бы! Две комнаты, кухня, прихожая, кладовка, ванная – и всё это мне одному. Я за несколько дней всё изучил. Вот только на днях закончил исследовать тёмные углы под диваном. Где темно, там всегда интересно и опасно.

Через пару дней меня снова повели в детский сад. Карантина там уже не было. Это и понятно. Одному что в пустых группах делать? Каждый заскучает!

## Составь рассказ по картинкам «Утро»



## Строить лучше, чем ломать

Мне купила мама [кубиков] набор.
Высыплю их прямо на пол, на [ковёр].
Я из них построю [дом] и [забор],
На [ковре] устрою я просторный двор.
Будет в [доме] [первый] и [второй] этаж.
И с большими [воротами] для [машины] гараж.
Будут в [доме] люди жить и не тужить.
Ссориться не будут, будут все дружить.
Будут всей [семьёй] жить и поживать.
Потому что строить лучше, чем ломать!

## Кроссвордик

**Вспомни русские народные сказки и найди пару к каждому слову. Ответы впиши в кроссворд**



По горизонтали.
2. Баба-... .
5. Царевна-... .
8. Скатерть-... .
9. Сапоги-... .
10. Сивка-... .

По вертикали.
1. Курочка-... .
3. Жар-... .
4. Иванушка-... .
6. Гуси-... .
7. Ковер-... .



## Хочешь проверить, готов ли ты к безопасному отдыху?

*Тогда выбери из трёх предложенных вариантов правильный ответ.*

**Утром и вечером мы загораем, а в обед ...**
а) прыгаем; в) купаемся; с) отдыхаем.

**Если на солнышке заснешь, то сильно кожу ...**
а) обожжешь; в) раскрасишь;
с) намочишь.

**На кожу давишь – побелела, значит, она ...**
а) обгорела; в) обрадовалась;
с) загрустила.

**Чтобы быть бодрым, не болеть, все продукты нужно ...**
а) вертеть; в) мыть; с) сушить.

**Если тошнота и жар, у человека солнечный ...**
а) насморк; в) кашель; с) удар.

**Чтобы голову не перегреть, нужно шапочку ...**
а) постирать; в) надеть;
с) отутюжить.

**Родителей всегда найдёшь, если мобильный номер ...**
а) наберешь; в) не помнишь;
с) слышишь.

**Нельзя от родителей убегать, потому что можно легко ...**
а) упасть; в) подпрыгнуть;
с) заблудиться.

*Если ты правильно закончил все предложения, молодец! Значит, твой отдых будет приятным и безопасным.*

## Сосчитай и запиши количество предметов в таблицу



## Реши пример, который написан на доске

**Скажи, кто из детей дал девочке правильную подсказку?**



БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

# КЎНГИЛЛАРНИ КУЙЛАТГАН «КАТЮША»



**Ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб мактабимизда ўтказилган тадбирда жимитдек қизча ўша машҳур «Катюша» қўшиғини ижро этиб, ўзи ҳам машҳур бўлиб кетди. Шундай бўлдики, ўттиз йил ўзи ўқиган мактабда устозлик қилиб, ҳозирги кунда неваралари қуршовида қолган Норсултон Раҳмоновани ҳамон ҳамма «Катюша» деб чақиради…**

**Қишлоқ аҳлининг қалбидан жой олган бу қўшиқнинг сири нимада экан?! Ахир, қишлоғимизда гулга бурканган олмазору нокзорлар бўлмаса, тик қирғоқли, устида туманлар сузиб юрадиган дарёларимиз ҳам йўқ! Унда нечун «Катюша» ҳамон кўнгилларни куйлатмоқда…**

## Тугалланмаган шеър

Кунларнинг бирида халқ меҳрини қозонган қатор қўшиқлар муаллифи бўлган таниқли шоир Михаил Исаковский ўзи туғилиб ўсган гўша – олмазору нокзорлари барқ уриб гуллаган Глотовка қишлоғи, устида оқ ўркачли булутлар сузиб юрадиган адил қирғоқли дарё ҳақида хаёл сураркан, беихтиёр бир тўртлик дунёга келади…

Расцветали яблони и груши,
Поплыли туманы над рекой.
Выходила на берег Катюша,
На высокий берег на крутой.

Фалакнинг гардишини кўрингки, шундай машҳур шоир шеърнинг давомини ёзолмайди. Чегарачи ёрининг ҳажридан тўлғониб адил қирғоққа чиққан Катюшани ҳам нима қилишни билмайди. Шунчалар юрагига яқин табиат унга шеърнинг давомини инъом этишга қизғанади…



Иттифоқо, шоир бастакор Матвей Блантер билан танишиб, унга юрак ёради. Тақдирига турғунлик битилган шеъри ҳақида гапириб бериб, ундан маслаҳат сўрайди. Бастакор эса, ўйлаб ҳам ўтирмай, шеърнинг бошламасини ёзиб беришни сўрайди. Энди ягона тўртликни қўлга киритган бастакор тинчини йўқотади. Тугалланмаган шеърдаги сўз ўйинлари, жаранг сочиб турган мусиқийлик унинг оромини ўғирлайди. Тезроқ унга куй басталашга шошилади. Яна омадсизлик. Машҳур бастакор ҳарчанд уринмасин, унга мос куй чиқара олмайди.

Куну тун ҳаловатини йўқотган бастакор шеърнинг давомини ёзиб бермагунча шоирни ҳам ҳоли-жонига қўймайди. Ниҳоят, ҳаммаси бирданига юз беради ва кўнгилларни куйлатган қўшиқ янграйди. Унинг премьераси 1938 йилнинг 27 ноябрида Кремлнинг машҳур Колонналн залида бўлиб ўтади. Ёшгина Валентина Батишева ижросидаги «Катюша» қўшиғи ниҳоясига етиши билан олқишлардан олам ларзага келгандек бўлади. Томошабинлар талабига кўра, у бу қўшиқни қаторасига уч марта такрор ижро этишга мажбур бўлади.

## Машҳурликка бурканган қўшиқ

Муаллифларга ҳам, ижрочиларга ҳам оламшумул шуҳрат олиб келган «Катюша» қўшиғи Иккинчи жаҳон уруши йилларида янада машҳурликка бурканди. Миллионлаб мухлислар қўшиқ қаҳрамонини жангчи ёрини жонидан ортиқ севадиган ва ундан жавоб кутаётган ҳаётда бор бўлган реал қиз деб идрок этишган. Унинг номига минглаб мактублар ёзилган, қўшиқлар тўқилган.

Москвадаги Адабиёт музейида мазкур қўшиққа назира сифатида ёзилган юзлаб шеърларни кўриш мумкин. Уларни адабиёт ихлосмандлари ҳам, оддий жангчилар ҳам тўқишган. «Катюша» қўшиғи шунчалар оммалашиб кетганки, машҳур Бородино майдонида ҳам, Ленинград остонасию Курск ёйида ҳам, борингки, бутун фронт бўйлаб янграган. Унинг қаҳрамони тимсолида ўз севиклиси, жонажон ёрини тасаввур қилган жангчилар шу қўшиқни айтиб беомон жангга киришган…

## Қўшиқдек янграган қурол

1941 йилнинг 14 июль куни Смоленск ерларига туташ Белоруссиянинг Орша шаҳри яқинида капитан Флеров бошчилигидаги батареянинг тўпчи жангчилари бирданига еттита қуролдан душманга қарата ўқ узишди. Улардан бештаси тўғридан-тўғри устахонадан олиб келинган тажриба нусхалари бўлишига қарамасдан, шундай қақшатқич зарбалар бердики, азбаройи ҳайратланган жангчилардан бири «Яшавор, Катюша!» деганини ҳам билмай қолди.

Аслида ҳар бир қуролга ўзига хос ном беришни ёқтирадиган аскарлар томонидан жанговар машина ҳисобланган БМ-13 «Катюша» номини олди. Шу тариқа, худди қўшиқ каби жанговар қурол ҳам машҳурликка эга бўлди. Тўрт йил давомида жангчиларимизга руҳий мадад, душман учун эса даҳшат қуроли бўлиб хизмат қилди.

## Дарвоқе…

Ўттизинчи йиллар адоғидаёқ қўшиқ матни учун Давлат мукофотини олган шоир Михаил Исаковский уни ҳамқишлоқларига юборган. Улар ўша мукофот пулига қўшиқ туғилган қирғоққа ёдгорлик ўрнатишган. Кейинчалик Угран туманининг Всход қишлоғидаги Маданият уйи (М. Исаковский туғилган Глотовка қишлоғи яқини)да дунёнинг турли тилларида куйланадиган «Катюша» қўшиғига бағишланган музей ташкил қилинган. Бунақаси эса ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бўлмаган.

**Темир ҚУРБОН.**



Валентина Батишева

## БИЛАСИЗМИ?

▶ Биринчи «смайлик» (smile – табассум) 30 йил илгари пайдо бўлган. Унинг яратувчиси сифатида Скотт Фальман эътироф этилади, «смайлик»нинг ўзи эса кайфиятни ифодаловчи машҳур рамзлардан бири ҳисобланади.




▶ YouTube каналида ҳар дақиқада 100 соат давомийликка эга янги материаллар жойланади.

▶ Интернетда «спам» сўзи тез-тез қўлланади. Бу сўзнинг келиб чиқиши қизиқ. Spam – жонга тегувчи ва тинимсиз реклама ҳисобига машҳурликка эришган гўшт консервалари номи.




▶ Илк веб-камеранинг пайдо бўлиши Кембриж университети билан боғланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, веб-камера дастлаб қаҳва дамлагичда ўрнатилган бўлиб, унинг мақсади қаҳванинг тайёр ё тайёр эмаслигини кузатиш бўлган.

▶ Google қидирув тизимига бир ойда ўртача 35 миллиарддан ортиқ сўровнома келиб тушади.

▶ Google логосини яратишда орфографик хато кетган. Қидирув тизимини катта ҳажмдаги очиқ маълумотларни ифодалаш учун дастлаб Googol дея номлаш режалаштирилган. Бироқ тасодифий хатодан кейин ўша номни қолдиришга қарор қилишган, зеро бу сўз визуал жиҳатдан ишлаб чиқарувчиларга кўпроқ маъқул бўлган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГА КУРАШАМИЗ

# ПОРА – ЧОРА ЭМАС

Коррупциялашган жамиятда пора иш битиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Пул ундириш мақсадида сунъий тўсиқлар юзага келтирилади, бюрократия авж олади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг талаб даражасида ишламаслиги қонун устуворлигини йўққа чиқаради. Оқибатда давлат бошқарув органлари фаолиятига нисбатан норозилик кучаяди. Бундай жамиятда тараққиёт, демократия ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳақида унутишга тўғри келади.

Шу маънода, сўнгги йилларда республикамизда коррупцияни бартараф этишга қаратилган қонунчилик изчил такомиллаштирилиб, бу иллатга қарши қатъий кураш чоралари белгиланмоқда. Чунончи, ички ишлар органлари тизимида ҳам мазкур йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бинобарин, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда.



Фикримиз исботи сифатида Жиззах вилояти ИИБ йўл-патруль хизмати ходимлари фаолияти билан боғлиқ икки ҳолат тафсилотларини келтириб ўтсак.

Жорий йилнинг 30 январь куни вилоятнинг Дўстлик туманидаги «Манас-14» ЙПХ масканида вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан «Тошкент — Самарқанд» йўналишида ҳаракатланаётган давлат рақам белгиси 30 M 488 OA бўлган «Камаз» русумли автомашина тўхтатилди. Ушбу автоулов юкхонасига жойланган 17 тоннадан ошиқ аммиакли селитрага оид ҳужжатларни кўздан кечириш давомида юк хатидаги ёзув ва муҳрнинг бир-бирига мос эмаслиги аниқланди. Худди шунингдек, автомашина кузови рақамлари транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасидаги рақамларга тўғри келмаслиги ҳам маълум бўлди. Бундан ташқари, автомобилга меъёрдан ортиқ юк ортилган эди. Натижада маъмурий баённома расмийлаштирилиб, автоулов жарима майдонига қўйиладиган бўлди. Воқеанинг бундай ривожланиши ҳайдовчига маъқул келмади ва у вазиятдан чиқиш мақсадида ЙПХ ходимига 700 минг сўм миқдорида пора таклиф этди.

**ЙПХ ходимига 700 минг сўм миқдорида пора таклиф этди.**

Табиийки, қонун посбони ўрнатилган тартибда раҳбариятни бундан хабардор этди. Шу тариқа, вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ЙПХ отряди 3-сафарбар гуруҳи командири, лейтенант Элдор Мамашариповга 700 минг сўнг пора берган қонунбузар ИИВ Ўз хавфсизлик бошқармаси вилояти бўлими ҳамда прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланди.

Яна бир қизиқ ҳолат. 2020 йилнинг 4 февраль куни вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати ходими Жиззах шаҳрида давлат рақам белгиси 25 G 702 FA бўлган «Ласетти» русумли автомашина эгасига тўхташ ишорасини беради. Аммо ҳайдовчи инспекторнинг талабига бўйсунмасдан, қочиб кетади.

Йўл-патруль хизмати ходими автомашинани тўхтатганида, ҳайдовчи маст бўлгани учун «тўхташ» ишорасига бўйсунмаганлигини тан олади. ЙПХ ходими ҳужжатларни расмийлаштиришга киришади. Қоидабузар ҳайдовчи эса уяли телефони орқали ўғлини чақиради.

Воқеа жойига етиб келган ўғил инспекторга 100 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилади. Бунинг учун ЙПХ ходими маъмурий баённома расмийлаштирмаслиги ҳамда автомашинани жарима майдонига қўймаслиги керак эди. Хуллас, қоидабузарнинг ўғли ваъда қилинган пулни вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати отряди 3-сафарбар гуруҳи инспектори, сафдор Ғайбулла Очилбоевга пора тариқасида бераётганида ушланди. Эътиборлиси, пора берган шахс адвокат бўлиб чиқди. Энди унинг ўзига ҳимоячи зарур.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу каби ҳолатларнинг барчасида йўл-патруль хизмати ходимлари пора бериш қонунга зид эканлиги тўғрисида фуқароларни бир неча марта огоҳлантиришган. Шунга қарамай, улар вазиятдан чиқишнинг ноқонуний йўлини танлаганлар ва оқибатда...

Хулоса шуки, ҳеч қачон порани чора, деб билманг. Яхшиси, ҳуқуқий меъёр ва талабларни бузманг.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ, «Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# ҚОНУН ЎЗБЕКОНА ТУС ОЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир», деб белгиланган. Лекин Тошкент вилоятида, айниқса, пойтахтимизда яшаш истагида бўлганларнинг аксарияти амалдаги қонунчиликда доимий пропискага ўтиш билан боғлиқ чекловларнинг



кўплигидан норози эдилар. Буни ижтимоий тармоқлардаги чиқишлардан ҳам билиб олса бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида **«... асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат. Шу боис, парламент ва ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим»**, дея таъкидлаган эди.

Кенг жамоатчиликнинг фикри ҳисобга олиниб ҳамда Юртбошимизнинг кўрсатмасидан келиб чиқиб, **«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»**-ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди. Жорий йилнинг 13 май куни давлатимиз раҳбари ушбу қонунни имзолади.

Унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга қисқача тўхталадиган бўлсак, авваламбор, қонуннинг номланиши ўзбекона тус олди. Аниқроғи, **«доимий прописка»** тушунчаси ўрнига **«доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш»** тушунчаси киритилди.

Илгари фуқароларга фақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга доимий рўйхатга туришга рухсат берилларди. Энди улар биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг эгалигида бўлган бошқа манзилдаги уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриши мумкин.

Қонунга киритилган яна бир янгилик оилага тарбияга олинган (патронат) болалар тутинган ота-онанинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши бўлди. Шунингдек, эр-хотиннинг никоҳдан кейин 1 йил давомида биргаликда яшаш шарти ва 1 йил ичида никоҳ бекор қилинганда прописка йўқотилиши ҳақидаги қоидалар қонундан чиқарилди.

Янги қабул қилинган қонунга кўра, энди Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган давлат ташкилотларида 5 йил муддат мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади. Аммо техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимлари бундан мустасно.

Якунида шуни айтишимиз мумкинки, тизимни ислоҳ қилишдаги асосий янгиликлардан яна бири – фуқароларга, қаерда рўйхатда бўлишларидан қатъи назар, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан иккиламчи бозордан уй сотиб олиш имконияти яратилди. Ушбу тоифа фуқароларимиз юқоридаги қонуннинг 1-бандига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига яшаш жойлари бўйича доимий рўйхатга олинадилар.

**Руслан КАРИМОВ, ИИВ М ва ФРББ бўлим бошлиғи, майор.**

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

# ТАРҒИБОТ – НАМУНАСИ БИЛАН ТАЪСИРЛИ

**Бугунги кунда деҳқончиликка, хусусан, аҳолининг томорқа ерларидан унумли фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳудудда тинчлик-осойишталикни асраш, фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш билан бирга, аҳолининг ўз томорқаларидан фойдаланиши мақбуллиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, 3-сектор ҳудудидаги юзга яқин кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчи фуқароларга турли хил кўчатлар тарқатилди.

– Албатта, тарғибот ишлари самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқароларга ибрат кўрсатиш, намуна бўлишга боғлиқ. Шу боис бўлим ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, турли экинлар экилди. Бизда боғбон штати йўқ, шунга қарамасдан, бу юмушларни ходимларимиз билан биргаликда ободонлаштириш ишлари доирасида уддалаб келмоқдамиз, – дейди туман ИИБ бошлиғининг



тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Султанбек Жарилқағанов.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ, «На посту» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛДИ

**Бунинг натижасида 1995 йилнинг 1 январига қадар мамлакатимиз ҳудудида доимий рўйхатдан ўтиб, фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси билан истиқомат қилиб келаётган 50 минг нафарга яқин киши ўзлари истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинадилар.**

**Бугунги кунда юртимизда истиқомат қиладиган 90 МИНГ нафарга яқин фуқаролиги бўлмаган шахслардан 50 МИНГга яқини, яъни 55 ФОИЗИни мамлакатимиз ҳудудида 1995 йилнинг 1 январь кунига қадар доимий рўйхатдан ўтганлар ташкил этади.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадамни қўйиш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунга кўра, Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 13 март куни имзоланган ушбу қонун илгаригисидан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари либераллаштирилди ҳамда боланинг фуқаролик соҳасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Бунинг натижасида келгусида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича шикоят қилувчи шахслар сони камаяди. Яна бир афзаллик томони, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сони қисқаради.

Қонунда ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилинишини таомили белгиланди, фарзандликка олинган ва ота-онасининг фуқаролиги ўзгарганлиги бўйича боланинг фуқаролиги ўзгариши нормаларига аниқ тушунчалар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг тузилмаси, асосий вазифалари, ҳуқуқлари, ишни ташкил этиш ва қарорларни қабул қилиш тартиби аниқ белгилаб берилди. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базаси яратилади.

Энг муҳими, янги таҳрирдаги Қонунга 1995 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатдан ўтиб, фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси билан истиқомат қилиб келаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш тартиби тўғрисидаги қоида киритилди. Яъни, уларнинг ўзлари истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинадилар. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда истиқомат қиладиган 90 минг нафарга яқин фуқаролиги бўлмаган шахслардан 50 мингга яқини, яъни 55 фоизини мамлакатимиз ҳудудида 1995 йилнинг 1 январь кунига қадар доимий рўйхатдан ўтганлар ташкил этади.

Ушбу Қонунининг 58-моддасида, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тан олиш ва тан олиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи 6 ва 45-моддалари жорий йилнинг 1 апрель кунидан амалга киритилиши белгилаб қўйилган. Мазкур тоифадаги шахсларнинг мурожаатларига асосан, уларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш вазифаси ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари зиммасига юклатилган.

Бироқ республикамизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича карантин жорий қилинганлиги муносабати билан 2020 йил 24 март кунидан бошлаб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида фуқароларнинг қабуллари вақтинча тўхтатилган эди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалалар юзасидан республикамизда яшаб келаётган кўплаб фуқаролиги бўлмаган шахслардан ижтимоий тармоқлар орқали мурожаатлар келиб тушди. Келинг ушбу мурожаатлар орасида кўп учраётган саволларга жавоб бериб ўтсак.



**– 1995 йилга қадар Ўзбекистонга кўчиб келган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролигини тан олиниши масаласида қаерга ва қандай ҳужжатлар билан мурожаат этишлари лозим?**

**Саида СУЛТОНОВА.**

– 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш масаласида ўзларининг доимий рўйхатда турган жойидаги ички ишлар органига мурожаат этиб, ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишлари лозим:

сўровнома (анкета кўринишида);

яшаш гувоҳномаси;

никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

аризачининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотнома (мавжуд бўлса);

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Давлат божининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробарига тенг.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасига 1995 йил 1 январга қадар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади. Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилиб, ҳужжатлардан нусха олиниб, асл нусхаси эгасига қайтариб берилади.



**– Ўзбекистонга 1994 йилда кўчиб келганман, лекин доимий рўйхатдан 1995 йил 12 декабрда ўтганман. Меҳнат дафтарчамда эса 1994 йил август ойидан давлат ишида ишлай бошлаганим қайд этилган. Мен Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинувчилар сирасига кираманми?**

**Шаҳноза АЛИЕВА.**

– Амалдаги қонунчиликка кўра, 1994 йилда Ўзбекистонга кўчиб келганлигингиз ва 1994 йил август ойидан давлат ишида ишлай бошлаганлигингиз сизга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришга асос бўла олмайди. Сизни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш масаласи умумий тартибда кўриб чиқилади. Бунинг учун сиз ўзингиз доимий истиқомат қилиб келаётган шаҳар-туман Ички ишлар органининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига тегишли ҳужжатлар билан мурожаат этишингиз лозим.






**– Мен Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш бўйича 2019 йил 14 январь куни ҳужжат топширган эдим. Менинг ҳужжатларим бўйича қачон ижобий натижа бўлади?**

**Валижон НАСРИДДИНОВ.**

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш бўйича топширилган ҳужжатларингизнинг натижалари доимий истиқомат жойингиздаги шаҳар-туман Ички ишлар органининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси томонидан сизга маълум қилинади.



**– Фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномамнинг амал қилиш муддати 2020 йил апрель ойининг охирида тугаган эди. Аммо карантин туфайли унинг муддатини узайтиришнинг имкони бўлмади. Бунинг учун кейинчалик жаримага тортилмайманми?**

**Бекзод АҲМЕДОВ.**

– Карантин даврида, яъни жорий йилнинг 23 март кунидан кейин паспорт ёки яшаш гувоҳномаси олиш, алмаштириш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштириш, виза ёки яшаш гувоҳномасининг муддатини узайтириш масалалари юзасидан миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат этишни режалаштирган ва қабул вақтинчалик тўхтатилганлиги муносабати билан мурожаат қила олмаган шахслар паспорт тизими қоидаларини бузган деб ҳисобланмайди.

2020 йилнинг 4 май кунидан бошлаб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида фуқароларни қабуллари йўлга қўйилганлиги сабабли, республикамиз ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқаролик масалалари юзасидан жойлардаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат этишлари мумкин.

**Акбархон ЮНУСХЎЖАЕВ,**
**ИИВ М ва ФРББ бўлим бошлиғи, подполковник.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# ТОЗАЛИК ВА ГИГИЕНА:
## ЭНГ ХАВФЛИ НУҚТАЛАР



**Аксарият касалликлар айнан гигиена қоидаларига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Энг ҳайратланарлиси, чанг мўл бўлган қишлоқ жойлар, дала ҳовли, ўрмонлардан кўра, шаҳар шароити касаллик келтириб чиқарувчи организмлар учун жуда қулай экан. Жамоат транспорти, дўконлар, кафе ва ресторанлар, мактаб ва боғчалар, касалхоналарда одамлар оқими кун бўйи кузатилади. Демакки, агар инсон ўз саломатлиги учун эътиборлироқ бўлмаса, бундай шароитларда турли касалликларни юқтириб олиш хавфи юқоридир.**



**Одамлар меҳнат фаолиятини олиб борадиган идора, корхона ва ташкилотлардаги умум фойдаланадиган ҳожатхона, қўл ювиладиган чаноқ, микротўлқинли печь, музлаткич, компьютер клавиатура ва сичқончалари касаллик ташувчилар учун энг қулай жой ҳисобланади.**



Шуни назарда тутган ҳолда, олимлар инфекция ўчоқлари ҳисобланган энг ифлос буюмлар ва жойларга аниқлик киритишди. Одамлар меҳнат фаолиятини олиб борадиган идора, корхона ва ташкилотлардаги умум фойдаланадиган ҳожатхона, қўл ювиладиган чаноқ, микротўлқинли печь, музлаткич, компьютер клавиатура ва сичқончалари касаллик ташувчилар учун энг қулай жой ҳисобланади. Самолёт ва поездларда йиғма стол, ҳожатхона дастаклари ва тугмалари ҳамда хавфсизлик камари, эшик тутқичлари энг хавфли нуқталар деб топилган. Меҳмонхоналарда эса телевизор пульти, хона телефони гўшаги ва тугмалари, чироқ ўчиргич бу борада биринчиликни қўлга киритган.

Афсуски, биз ўз хонадонимизда ҳам бактерия ва микроорганизмлардан қутула олмаймиз. Қизиғи шундаки, улар уя қуриши мумкин бўлган энг ифлос жой ҳожатхона унитази эмас, аслида идиш ювишда ишлатиладиган дастмол, оштахта, душ пардаси ҳамда эшигининг ички тарафидаги резина тирқишларида моғор ва замбуруғлар пайдо бўлиши мумкин бўлган кир ювиш машинаси ва музлаткич экан.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, инсон кафтини ҳам энг ифлос қисм деб аташ мумкин. Бунга америкалик олимлар ўтказган тадқиқотлар далил бўла олади. Улар 51 нафар талабанинг кафти юзасидан намуналар олиб, 4,5 мингдан зиёд, яъни ўрта ҳисобда ҳар биридан 150 хил бактерия турларини аниқлашди ва улардан фақат 5 таси ҳар бир кафтда мавжуд эди.

Микроблар қўл терисидаги устки ёғ қатламида яшайди ва кўпаяди. Шу сабаб қўлларни совун билан ювиш орқали улардан вақтинча қутулиш мумкин. Бу ишни жамоат жойларига борганда, транспорт воситаларидан фойдаланганда, турли ҳайвон ва паррандаларни ушлаганда, кўчадан сайр қилиб қайтганда, овқатланишдан олдин ва кейин, айниқса, қоғоз пулларни санагандан сўнг амалга ошириш керак. Тозалик ва гигиенага амал қилинг. Соғ бўлинг.

# КАМ БЎЛИШИ ҲАМ, КЎПАЙИБ КЕТИШИ ҲАМ ЗАРАРЛИ

**Йод мия фаолиятининг яхшиланишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи оксидланиш жараёнларининг фаол иштирокчисидир. Инсоннинг олд бўйин қисмида, ҳиқилдоқ остида қалқонсимон без жойлашган бўлиб, у нафақат йод «омбори» ҳисобланади ва таркибида йод мавжуд бўлган гормонларни ишлаб чиқаради, балки ўзи ҳам у билан тартибга солинади. Йод томир деворлари эластиклигини оширади, ортиқча ёғларни эритади, тўғри ўсиш ва ақлий ривожланишга кўмаклашади, организмга куч-қувват бағишлайди, асаб тизимини тинчлантиради, модда алмашинувини яхшилайди, соч, тирноқ, тери ва тишларни мустаҳкамлайди.**






Йод етишмаслиги аломатларига тез чарчаш ва ҳолсизлик, бош оғриши, вазн ортиши, хотиранинг, кўриш ва эшитиш қобилиятининг сустлашиши, тери қаватининг қуриши, юрак-қон томир ва нафас йўллари тизимидаги муаммолар мисол бўла олади.



Йод миқдорининг ортиб кетиши ҳам худди унинг камайишидек хавфли бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ошқозонда кучли оғриқ, кўнгил айниши ва ич кетиши, аллергик тошмалар тошиши, ўткир ҳидли кучли терлаш, уйқусизлик, қалтираш, тери юзасининг сарғимтир тусга кириши, юрак уришининг тезлашиши, оғиз бўшлиғида сўлакнинг ортиб кетиши кузатилади.

Кўриб турганингиздек, организмда йоднинг кам бўлиши ҳам, кўпайиб кетиши ҳам зарарли, шунинг учун кунлик меъёрни сақлаш мақсадга мувофиқдир. Денгиз маҳсулотлари, йодланган ош тузи, сабзавотлар, кўкатлар, мевалар, тухум, ёнғоқ, гречка, сут, творог ва пишлоқ таркибида йод мавжуд бўлгани учун, уларни мунтазам равишда истеъмол қилиш тавсия этилади.




Йод моддаси асосан тиббиётда спиртли эритма кўринишида қўлланилади. У терини дезинфекция қилиш, яра ва жароҳатларнинг тез битишида ёрдам беради, шунингдек, шамоллашга қарши восита ҳисобланади. Тананинг турли аъзоларига чизилган йодли катаклар лат еган жой, муолажа таъсирида пайдо бўлган шишлар, пай чўзилиши, артрит, радикулит, йўтални даволашда самаралидир. Бунда йод тери орқали кириб бориб, қон айланиши тизими орқали бутун организмга тақсимланади ва микробларга қарши курашади. Йодли катаклар микроблар орасидаги ўзаро боғлиқликни издан чиқаради, натижада инфекциялар оммавий тарзда нобуд бўлади ва касаллик ривожланишига чек қўйилади.

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби Санитария-эпидемиология назорати бош маркази шифокор эпидемиологи ёрдамчиси, кичик сержант Жанна Неъматовага онаси

**АСИЯ** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЗДОРОВЬЕ

# МОРСКАЯ КАПУСТА

Морская капуста, или ламинария, относится к классу бурых морских водорослей, отличается богатым набором полезных микроэлементов и питательных веществ. Водоросли выщеживают из морской воды и перерабатывают.



Морская капуста полезна в свежем, консервированном и сушеном видах: стимулирует иммунную систему человека, благодаря чему организм активно борется с попадающими в него извне бактериями и вирусами и восстанавливает здоровье.

Ламинария – полезный суперфуд, богатый йодом, витаминами, микроэлементами. Содержит кальций, серу, натрий, фосфор, магний, лецитин, клетчатку, фолиевую и аскорбиновую кислоты, бета-каротин, железо, витамины группы В, А, РР, полисахариды и жирные кислоты. Блюда из нее подходят для вегетарианцев, диабетиков, приверженцев диетического питания и здорового образа жизни.

Морская капуста поддерживает работу щитовидной железы, снижает риск развития атеросклероза, нормализует состояние крови, обладает антисептическим, противовоспалительным и антипаразитарным свойствами.

Врачи подчеркивают, что регулярное употребление морской капусты способствует снижению веса, улучшению состояния кожи, ногтей и волос. Большое содержание йода делает ее хорошим средством для борьбы с хронической усталостью, которой в современном мире, к сожалению, подвержены очень многие.



# ВАЗЕЛИН – ПОПУЛЯРНОЕ И ПОЛЕЗНОЕ ИЗОБРЕТЕНИЕ

**14 мая 1878 года название «вазелин» было запатентовано в США как торговая марка и торговый знак. Всем известное косметическое и лечебное средство изобрел и запатентовал эмигрировавший в Америку английский химик Роберт Август Чезбро.**




Когда в 1859 году начался нефтяной бум, Чезбро, общаясь с нефтяниками, заинтересовался липким нефтепродуктом – парафинообразной массой, которая при нефтедобыче налипала к бурильным установкам и забивала насосы. Он заметил, что рабочие постоянно используют эту массу при ожогах и порезах в качестве успешно заживляющего раны средства.

Ученый стал экспериментировать с массой и сумел выделить из нее полезные ингредиенты. Получившимся веществом он смазал свои многочисленные ожоги и шрамы, полученные во время опытов. Эффект оказался поразительным – раны зажили, причем довольно быстро. В дальнейшем поразительную ранозаживляющую способность этого вещества Чезбро продолжил совершенствовать и, пробуя на себе, наблюдал за результатом.




Полученное вещество, способствующее регенерации кожных покровов, ученый немного облагородил и назвал нефтяным желе, которое и запустил в производство с 1870 года. Сначала «Нефтяное желе» Чезбро выставил на продажу в аптеке, но мазь не покупали. Популярностью новое лекарство не пользовалось именно из-за названия. Так как все связанное с нефтью ассоциировалось у людей с легкой воспламеняемостью.

Тогда ученый придумал другое название своему изобретению. Он назвал мазь вазелином. Это производное от двух слов: немецкого «wasser» – вода и греческого «elaion» – оливковое масло. Так и появилось всемирно известное косметическое и лечебное средство, которое Чезбро запатентовал под названием «вазелин».

Вазелин быстро стал практически незаменимым лечебным средством при воспалениях, ссадинах и ожогах. Вскоре он получил более широкое применение. Актрисы рисовали себе вазелиновые слезы. Художники наносили вазелин на пол, чтобы не испачкать краской, рыбаки – на крючки для привлечения рыбы, бейсболисты – на перчатки для смягчения кожи, пловцы – на тело… Кстати, сам изобретатель вазелина прожил 96 лет.

# Лучшая еда для тела




*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# 4 шага к здоровью ног

Ноги созданы, чтобы выдерживать вес тела, независимо от того, идем ли мы пешком, бежим, прыгаем или стоим на месте, и делают они это исправно на протяжении всей нашей жизни. Но о здоровье мы часто задумываемся лишь тогда, когда возникают дискомфорт и болевые ощущения. Между тем, достаточно выполнять несколько несложных упражнений, чтобы сохранить здоровье ног.

**Ходите в носках или босиком**

Такая ходьба позволяет вашим стопам непосредственно взаимодействовать с землей и расслабляться. Добавьте в процесс немного осознанности: шагая, концентрируйтесь на толчке стопы в процессе перемещения, «прокатывайте» ее по земле. Это поможет стимулировать мышцы стоп и голени.

**Катайте теннисный мячик**

Подложите под босую стопу теннисный или любой другой небольшой твердый мячик и покатайте его немного. Это обеспечит прилив крови и поможет проработать те части стоп, которые стали менее активными.

**Чаще двигайтесь**

Во время ходьбы все суставы нашего тела получают необходимый простор, чтобы функционировать должным образом, а значит, предотвращается их преждевременная дисфункция. Это актуально и для ног. Чтобы усилить положительный эффект, не забывайте делать массаж стоп после рабочего дня и длительных прогулок – так вы обеспечите приток крови к ногам и снятие тяжести.

**Выполняйте укрепляющие упражнения**

Прижмите стопы к полу и попробуйте отвести большой палец подальше от других пальцев ноги. На практике это оказывается не так-то просто. Упражнение помогает укрепить подошвенный свод стопы, препятствует развитию бурсита или «шишечки» у большого пальца и увеличивает подвижность суставов, помогая ходить.

В наших силах позаботиться о здоровье ног, не дожидаясь появления болевых ощущений, тогда всякое движение будет в радость!

**Подготовлено по материалам интернета.**

СОСТАВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

# Тайное всегда становится явным!

**Сегодня хотелось бы рассказать небольшую историю о том, как жители г. Кагана Бухарской области – ранее судимый Сергей Светлов и его приятель Роберт Мухин решились на преступление, которое, как ни странно, сочли вполне приемлемым и даже необходимым в условиях нехватки материальных средств. Они пришли к единому мнению: если нужны средства, а обстановка, что называется, позволяет, то можно преступить закон. «Как это так?» – спросите вы. Ознакомьтесь с предысторией преступления, и все станет ясно.**



…Обстановка располагала к задушевному разговору, стол был накрыт соответствующе, но главное – присутствовало желание обсудить текущие дела.

– Вот, смотри, Роберт, и скажи, что я не прав, – заплетающимся языком промолвил заметно захмелевший Светлов. – Я этой Татьяне целый месяц в ее квартире ремонт делал, а она мне недавно заявляет: денег нет! Нет, ты представляешь? Так и говорит: денег, мол, нет… Говорит: вот слетаю в Москву по делам, потом с тобой расплачусь.

– Так и сказала? – ахнул Мухин, сделав удивленные глаза. – А ты что?

– А что я… Скажу тебе так: ждать ее милости не намерен, решил взять сам все то, что причитается.

– Как это так? Отнять деньги хочешь, что ли?

– Ну зачем же отнять, – ухмыльнулся Светлов. – Она ведь вчера в Москву улетела, так вот я к ней на квартиру собираюсь наведаться. Если хочешь, пойдем со мной – свою долю получишь.

Мухин в раздумье почесал нос и пожал плечами:

– Дело верное? Есть что взять? Не спалимся?

– Спрашиваешь! Я пока у нее ремонт делал, присмотрел что к чему. У нее барахла разного полно. Насчет денег не знаю, но если все продадим, то деньжат выручим неслабо. А насчет того, спалимся или нет?.. Если красиво сработаем, то все будет тип-топ. Ну как, идешь со мной?

– А то! Если есть выгода, хоть к самому дьяволу в лапы пойду!

На следующий день они вышли на дело. Аккуратно огляделись по сторонам, не обнаружив ничего подозрительного, перелезли через забор, вскрыли замок входной двери и проникли внутрь жилища Татьяны Маруповой…



В обвинительном заключении по уголовному делу, возбужденному в отношении обвиняемых в преступлении С. Светлова и Р. Мухина, сказано: «…противоправно проникли в дом путем взлома замка входной двери. При этом тайно похитили из дома цветной телевизор марки «Россо», тюннер марки Super Box, два молодежных керамических кольца, жемчужные бусы, сережки золотые, с фианитом, золотые изделия, телефон марки «Samsung J2» …». Воры также не оставили без внимания продукты, которые имелись в холодильнике. Очевидно, они их взяли для того, чтобы отметить удачно провернутую кражу. Общий ущерб, причиненный Татьяне Маруповой джентльменами удачи, равнялся 14 643 185 сумов. Похитив все самое ценное, злоумышленники незамеченными скрылись с места преступления.

Вскоре им удалось реализовать похищенное, но, как известно, ни одно преступление не остается нераскрытым. Оперативники быстро вышли на след подозреваемых в краже, установив их личности, задержали их по горячим следам. В отношении злоумышленников было возбуждено уголовное дело по п.п. «в», «г», части 2 ст. 169 УК Республики Узбекистан.

В ходе следствия, проведенного сотрудниками СО при ОВД г. Кагана, друзья полностью признали свою вину. Они предстали перед судом и получили по заслугам.

Напоследок хочется сказать охотникам до чужого имущества: рано или поздно тайное становится явным, скорее даже рано, чем поздно!

*(Имена и фамилии изменены, возможные совпадения имеют случайный характер.)*

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ИЗ ЗАЛА СУДА

# 13 лет – за «легкие» деньги

**Для достижения своих корыстных целей наркодилеры используют в основном доверчивых, безработных и нуждающихся людей, которые в поисках легких денег попадаются в ловушку, расплачиваясь за это свободой.**

Однажды житель махалли Чагизмон Ургутского района Самаркандской области Шухрат Сирожев (фамилии и имена изменены) поехал в Пенджикент (Таджикистан) за обувью, которой торговал. В баре он познакомился с местным жителем, Самариддином. Последний пригласил гостя в дом переночевать. Во время беседы хозяин предложил Шухрату оставить свой бизнес и заняться более доходным делом – незаконной торговлей наркотиками. Наш земляк, недолго думая, согласился.

Вернувшись домой, Шухрат продал «Дамас» за пять тысяч долларов США и заказал новоиспеченному другу два килограмма опиума. Оставшиеся шесть тысяч «зеленых» он обещал отдать после реализации «товара». Заказ был выполнен. Самариддин позвонил Шухрату и назвал место, где лежал «черный груз», – хлопковое поле фермерского хозяйства в Бекабадском районе Ташкентской области. Шухрат приехал на поле, но «товара» там не оказалось. Он сообщил о возникшей проблеме Самариддину, тот решил вопрос.

Житель Таджикистана вновь позвонил своему узбекскому другу и попросил его принять более четырех килограммов опиума, чтобы реализовать его в Самаркандской области.

Шухрат нанял водителя, Искандера Тураева, для перевозки «груза» в Ургут из дома, расположенного в районе автостанции М. Улугбека, в г. Самарканде. Понятно, что наивный Искандер ни о чем не догадывался.



Вдвоем они отправились в путь, однако на автотрассе «Самарканд – Ургут» их остановили сотрудники службы государственной безопасности и ДПС УБДД УВД Самаркандской области. Во время проверки салона автомашины «Дамас» были обнаружены 4 килограмма 480 граммов опиума, завернутого в синюю куртку, спрятанную под задним сиденьем машины.

Ургутский районный суд по уголовным делам под председательством А. Ахмадова вынес приговор по данному уголовному делу, согласно которому Шухрат Сирожев был приговорен к 13 годам лишения свободы. Его сообщник Искандер Тураев три с половиной года проведет за решеткой.

***Факты по теме***

По данным ООН, в настоящее время 9 миллионов человек в мире употребляют героин, 14,5 миллиона – кокаин, 145,2 миллиона – марихуану, 380 миллионов – синтетические наркотики.

В странах «золотого треугольника» (Лаос, Бирма, Таиланд) ежегодно производится примерно 4 500 тонн сырья, из которого получают 80 тонн героина. Столько же до недавнего времени производили страны «золотого полумесяца» – Пакистан и Афганистан. За последние годы производство героина в Афганистане увеличилось многократно, и сейчас эта страна лидирует на рынке наркопроизводства, потеснив Перу, Боливию, Колумбию, которые поставляют на мировой рынок до 2 000 тонн смертоносного зелья – кокаина в год.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Самаркандская область.*

## ФОТО-ЛАВҲА




А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

## МИТТИ ҲИКОЯ

# ЯХШИЛИК ҚИЛ – СУВГА ОТ

Бир аёл машинасида уйга қайтаётганида автоуловининг шинаси ёрилиб, дами чиқиб кетди. Аксига олиб ёмғир тинмай ёғарди. Бунинг устига аёл ғилдирак алмаштиришни билмасди. Мушкул аҳволда қолган аёл йўл четидан қишлоқ томон кетаётган йигитга кўзи тушди. Лекин бояқиш ёрдам сўрашга уялиб, бироз чўчиди.

Хайриятки, йигит сезгир экан. У машина ёнидан ўтиб кетаётиб, гап нимадалигини тушунди.

– Захира ғилдирагингиз бўлса, алмаштириб берардим, – деди аёлга.

Хурсанд бўлиб кетган аёл дарҳол машинасининг юкхонасини очиб, захира ғилдиракни кўрсатди. Йигит тезда ишга киришиб, дами чиққан ғилдиракнинг ўрнига янгисини алмаштирди. Мушкули осон бўлганидан қувонган аёл сўради:

– Хизмат ҳақига неча пул берай?

– Қўйсангиз-чи, – деди йигит қўл силтаб. – Фақат кимнингдир ёрдамга муҳтожлигини кўрсангиз, ундан кўмагингизни аяманг. Шунда менга яхшилигимни қайтарган бўласиз.

– Исмингиз нима, олийҳиммат йигит? – яна сўради аёл.

– Мен Брайан Андерсонман.

– Умрингиздан барака топинг. Катта раҳмат, Брайан.

Аёл йигитга миннатдорлик билдириб, машинасига ўтириб йўлга тушди. Йўл ёқасида жойлашган тамаддихона ёнидан ўтаётиб, очиққанини ҳис этди. Лекин шошиб турган эди. «Ҳа, майли бир стакан қаҳва ичсам, ҳам очлигим босилади, ҳам вақтдан ютаман», деб ўйлади у. Аёл бўш ўринга ўтириши билан официант жувон олдига келиб хушмуомалалик билан:

– Нима буюртирасиз? – деб сўради.

Аёл қаҳва буюртирар экан, бир қарашдаёқ официант жувоннинг ой-куни яқинлигини пайқади. «Шу аҳволда ҳам ишлаб юрган экан, демак пулга муҳтож бўлса керак», – дея хаёлидан ўтказди. Жувон бир пасда қайноқ қаҳва олиб чиқди. Аёлга тоза сочиқ ҳам узатар экан:

– Ёмғирда сочларингиз ҳўл бўлиб кетибди. Артиб оларсиз, – деди меҳрибонлик билан.

Аёл унга юз доллар берди. Официант жувон қайтим олиб келиш учун ичкарига кириб кетганди, сочиқнинг устига яна уч юз доллар қолдириб, йўлга тушди...

Кечқурун уйига қайтган официант жувон эрига мақтанди:

– Биласанми, Брайан, бугун тамаддихонамизга бир олийҳиммат аёл кириб, бир стакан қаҳвага юз доллар тўлади. Қайтимини олиб чиқсам, яна уч юз доллар чойчақа қолдириб, негадир қаҳвасини ҳам ичмай кетиб қолибди.



– Унинг сочлари жиққа ҳўлмиди? – кулимсираб сўради эри.

– Ҳа, лекин буни сен қаёқдан биласан?

– Ахир, кун бўйи ёмғир ёғди-ку, – гапни ҳазилга бурди эри.

**Рус тилидан Бобомурод ТОШЕВ таржимаси.**

## КИТОБХОНЛИК СОАТИ

# Шароф Рашидовнинг шеърий тўплами




**Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг «Севги билан ғолибман ҳар он!» номли шеърий китоби нашрдан чиқди.**

Маълумки, Шароф Рашидов Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан биринчилар сафида фронтга отланиб, энг оловли нуқталарда жанг қилган. Фронтда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун икки бор жанговар «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланган.

У ёвга қарши нафақат қурол, балки ўткир қалами билан ҳам курашди, шу йилларда уруш мавзусида ўнлаб шеърларини яратди.

Шоирнинг жанггоҳлардан туриб ўз суюкли ёрига, оқила ва мунис рафиқаси Хурсаной Рашидовага бағишлаб ёзган соф инсоний севги ва садоқат туйғуларини мадҳ этувчи шеърларига ҳам китобдан кенг ўрин берилган.

Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланган мазкур тўпламдан шоирнинг ўқувчиларга яхши таниш бўлган, қўшиқларга айланиб, қалбларимизга кириб борган шеърлари билан бирга, унинг ижодий архивидан топилган, ҳали эълон қилинмаган ижод намуналари ҳам жой олгани аҳамиятлидир.

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001 MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4155.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 139 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.